



**КАЛТАК ЯНА ТИББИЁТНИНГ «ЕТИМ» БЎИНИ БОШИДА СИНАДИМИ?**

2




**ЧЕКЛОВ-ЛАР ДАВОМ ЭТАДИ**

5



**МИРЗО УЛУҒБЕК МАДРАСАИ ОЛИЯСИ ВОЎРИСИ**

6



**МАСЛАҲАТЧИ МУСАҲХИХ ЭМАС**

7




№ 26  
2020-йил, 29-йул  
Chorshanba (32.620)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

# O'zbekiston O'VOZI



## ШОДЛИК ВА ШУҚРОНАЛИК ИЗҚОР ҚИЛИНАДИГАН КУНЛАР

Ёки пандемия шароитида улуғ айёмни қандай нишонлаймиз?

Бу йилги Қурбон ҳайити карантин шароитида нишонланаётганини инобатга олиб, одамлар жамланишига сабаб бўладиган урф-одатларни ташкил этмаслик, уйма-уй юриб, турли хил азахонликлар, маърака-маросимларни ўтказмаслик ва қабристонлар зиёратидан сақланишни сўраймиз. Хонадонда оила-аъзолари билан бирга Қуръони карим оятларидан тиловат қилиб, ўтганларимиз руҳи покларига бахшида этиш тавсия этилади.

4

## ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 июль куни яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича олиб борилган ишлар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражаси юқори. Шу боис кейинги йилларда бизнесга қўшимча қулайликлар яратиш орқали яширин иқтисодиёт улуғини камайтириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, валюта бозори эркинлаштирилди, янги солиқ тизими жорий этилди, 100 га яқин рухсат бериш ва лицензиялаш қоидалари қисқартирилди. Буларнинг натижасида охириги 5 йилда саноатда норасмий сектор улуғи 20 фоиздан 6 фоизга тушган.

Йиғилишда бу борадаги ишлар етарли эмаслиги қайд этилиб, галдаги вазифалар муҳокама қилинди. Халқаро ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш топшириги берилди.

Давлат раҳбари яширин иқтисодиётга қарши курашишда эҳтиёт бўлиш, иқтисодий фаолликка зарар етказиб қўймаслик, бунинг учун давлат органлари, бизнес ва жамоатчилик ҳамжихатлиқда ишлаши муҳимлигини таъкидлади.

Солиқ ислохотларини изчил давом эттириб, яширин иқтисодиётга йўл қўймайдиган тизим жорий этиш вазифаси қўйилди. "Инсофли солиқ тўловчи" тизимини шакллантириб, шу йил якунига қадар Тошкент шаҳрида намуна сифатида амалга оширишга кўрсатма берилди.

Соҳалар ва йўналишлар кесимида коррупцияга қарши курашиш бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқиш ҳамда ижросини муҳокама қилиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлат божхона кўмитаси ва Давлат солиқ кўмитасига импорт товарларининг кириб келиши, божхонадан ўтказилиши ва сотилиши бўйича ягона базани ишга тушириш юзасидан топшириқлар берилди. Шунингдек, 2021 йил 1 январдан "Божхона аудити" ахборот тизимини жорий этиш вазифаси белгиланди.

Президентимиз яширин иқтисодиётни қисқартириш учун одамларнинг легал ишлашига кўмаклашиш, уларни маънавиятдор қилиш кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари кичик бизнес субъектлари учун солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш, тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш ва лицензиялашдаги ортиқча тартиб-таомилларни янада қисқартириш зарурлигини таъкидлади. Масалан, 100 та лицензия ва 34 та рухсатномани қисқартириб, хабардор қилиш тартибига ўтказиш, яна кўпларини соддалаштириш, 14 та ҳужжатни бериш муддатларини 2 бараваргача



қисқартириш мумкин. Ушбу чоралар натижасида тадбиркорлар йилга 125 миллиард сўм иқтисод қилиш имконига эга бўлади. Шунингдек, 43 та идоранинг 270 та назорат функциясини танқидий ўрганиб, яширин иқтисодиёт ва коррупцияга сабаб бўлаётган ваколатларини қисқартириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ўз навбатида, коррупцион ва яширин фаолиятга муқассидан кетган ноинсоф тадбиркорларга нисбатан жавобгарлигини кучайтириш зарурлиги айтилди. Коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши курашишда асосий куч бизнес ва жамоатчиликдир. Шу боис жамиятда бу иллатларга нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали уларнинг салбий оқибатларини ёритиб бориш муҳимлиги қайд этилди. Яширин иқтисодиётга қарши курашиш тадбиркорларни жазолаш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш дегани эмас. Бу, айниқса, пандемия даврида катта аҳамиятга эга. Жойларда жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали майда коррупцияга ҳам қатъий чоралар қўриш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев. Йиғилишда белгиланган чора-тадбирлар юзасидан ҳар бир вазирлик ва тармоқ олдида йил якунида аниқ кўрсаткичларга (КР) эришиш вазифаси қўйилди.

ЎзА

## АҚЛЛИ ҲИСОБЛАГИЧЛАР

Билиб олинг, ёдда сақланг: газ ҳисоблагичи хизмат муддати 15 йил бўлади.

Ҳисоблагич ҳар 10 йилда бир марта даврий қиёсловдан ўтказилади.

Ҳисоблагични ўрнатиш, таъмирлаш ва давлат қиёслов текширувлари истеъмолчи учун бепул, газ таъминоти ташкилоти томонидан амалга оширилади.

8

### ИШ ВАҚТИ ВА МЕҲНАТ ТАЪТИЛЛАРИ

Йиллик таътиллارни бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун 6 ой ишлангандан кейин берилади.

Ходимнинг хоҳишига кўра таътил қисмларга бўлиб берилиши мумкин. Бунда таътилнинг бир қисми 12 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

Йиллик таътиллари даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.

Таътилда қақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходим иш берувчи билан келишган ҳолда иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиши мумкин. Ушбу таътилнинг муддати 12 ойлик давр мобайнида жами 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

"COVID-19" касаллигига чалинган **21209** нафар беморнинг қайд этилиши ва соғайганлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар жадвали

2020 йил 27 июль, соат 23:30 ҳолатига

Ҳудудлар	Қайд этилиши	Соғайганлар	Фоизда	В.э.
Қорақалпоғистон Респ.	337	212	63%	4
Андижон вилояти	933	718	75%	1
Бухоро вилояти	721	556	80%	5
Жиззах вилояти	140	117	76%	6
Қашқадарё вилояти	637	424	58%	4
Навоий вилояти	396	367	93%	3
Наманган вилояти	671	508	74%	5
Самарқанд вилояти	869	769	88%	3
Сирдарё вилояти	506	380	73%	1
Сурхондарё вилояти	452	229	51%	6
Фарғона вилояти	229	206	83%	1
Хоразм вилояти	355	312	88%	1
Тошкент вилояти	2065	1073	51%	11
Тошкент шаҳри	12898	5803	44%	70

Жами: **21209** **11674** **55%** **121**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими



# Химоя чизигининг олд қаторида эса тиббиёт ходимлари турибди. Ҳозир уларга икки карра оғир.



## КАЛТАК ЯНА ТИББИЁТНИНГ «ЕТИМ» БЎЎНИ БОШИДА СИНАДИМИ?

Бутун дунёда бўлаётгани каби мамлакатимизда ҳам кўзга кўринмас душман — коронавирус пандемияси тинч ҳаётимизни изидан чиқариб, ўз ҳукмини ўтказмоқда. Ҳар бир оилада коронавирус асосий мавзу бўлиб қолди.

Карантин билан боғлиқ масалада ҳар ким ўз фикрини билдирмоқда. Кимдир танқид қилса, кимдир аҳди жоғ бошига пул тарқатилишини талаб этади. Яна кимдир карантин чоралари ўзайтирилиши шарғ деса, бошқа бири карантиндан фойда йўқлигини таъкидлайди.

Бутун дунёда, айтиш мумкинки, «уруш» кетмоқда. Агар душман қайси томондан ҳужум қилишни билсангиз, шунга яраша тайёргарлик кўрасиз. Афсуски, бунда фронт чизиги йўқ, ёв гир атрофимизни ўраб олган, у катта-кичик, деб аямай барчага ҳамла қилмоқда. Ҳимоя чизигининг олд қаторида эса тиббиёт ходимлари турибди.

Ҳозир уларга икки карра оғир. Барча каби улар ҳам вирусдан зарарланмоқда. Шу билан бира, аҳолининг таъна-дашномларини ҳам эшитмоқда. Тўғри, барча соҳада бўлгани каби тиббиёт тизимида ҳам салоҳияти, билими, виждони турлича инсонлар ишлайди. Лекин бу бизни кенгроқ мулоҳаза қилишдан тўхтатмаслиги, вазиятга ҳолис баҳо беришимизда тўсиқ бўлмаслиги лозим, деб ўйлайман.

Хўш, биз тушиб қолган оғир ҳолат учун тез тиббий ёрдамдаги ёки поликлиникалардаги врач ва ҳамширалар қанчалик айбдор? Юқорида ҳозир жангга киришганимизни айтиш мумкин. Маълумки курашда голиб бўлиш учун тажрибали раҳбар ҳар бир аскарининг қайси жойдан ҳаракатланиши, вазифаси нима эканлигини аниқ белгилайди. Энг муҳими, қатнашчиларнинг ҳар бири зарур қуроллар билан тўлиқ таъминланади. Агар аскарга ҳар томондан ҳар хил буйруқ берилса, унинг имконияти ҳисобга олинмаса, таъминоти ўйланмаса, ғалабадан умид қилиб бўладими?

Аҳолига, беморларга на вазирлик, на соғлиқни сақлаш бошқармалари ходимла-

ҳодим ишлайдиган поликлиникага берилган бешта химоя кийимини тақсимлашнинг илҳом борми? Коронавирусга шубҳа қилинган беморга 3 мутахассисдан (эпидемиолог, инфекционист, ҳудуд врач) иборат мобил бригада бориб, уни шифохонага ётқизиш ёки уйда даволаш масаласини ҳал қилади, деган кўрсатма берилди. Ушбу қарорни қабул қилганлар битта тўманда неча нафар эпидемиолог борлигини ҳеч ҳисоблаб кўришдимикан? Пандемия даврида уларнинг вазифалари бир неча бор ошганини, инфекционистлар шифохоналарда беморларни даволаш билан бандлигини англашармикан? Мобил бригадалар учун эпидемиолог ва инфекционист у ёқда турсин (қишлоқ туманларида) умумий амалиёт врачлари етишмаслигини билганида, бажариб бўлмайдиган қарорни эълон қилиб, халқ олдида бечора врачларни ёлгончиға чиқармасдилар.

Тез тиббий ёрдамда ҳам худди шундай вазият. Аввалги йилнинг мос даврига нисбатан қақриқлар 2-3 баробар кўпайган. Машиналар ва тез тиббий ёрдам бригадалари сони оширилмагани ҳисобга олинса, қақриққа 15 дақиқада етиб боришнинг илҳом йўқлиги равшанлашади.

Шунингдек, энг қийин вазиятга яна умумий амалиёт врачлари ва патронаж ҳамширалар қолмоқда. Дори-дармонларнинг танқислиги, реактивлар, бошқа зарур тиббий воситалар билан таъминлангандаги узиллишлар тиббиётнинг етим бўлаги саналган поликлиника хизмати ходимларининг обрўсизланишига олиб келмоқда. Аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Хўп, аҳолини қандай яхшилаш мумкин? Аввало, касалликнинг енгил шакли билан оғирган беморларга (оддий уй бекаси тушунадиган содда тилда) қадам-бақадам бажарилиши лозим бўлган вазифалар лўнда баён қилинган қўлланма тарқатилиши керак. Умумий амалиёт врачлари учун коронавирус билан оғирган беморларни таснифлаш алгоритмлари ишлаб чиқиши лозим.

Беморни шифохонага ётқизиш масаласини алгоритмлар асосида УАШ ҳал қилиши шарғ. Врачлар, патронаж ҳамширалар беморнинг уйига борганда биринчи ёрдам учун дори-дармонлар билан таъминланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир тўманда шифохоналар ва катта поликлиникалар қошида коронавирусни текширувчи (ПЦР) лабораториялар ташкил қилиниши яхши самара беради, деб ўйлайман. Лаборатор текширув натижаларини SMS орқали етказиш тизими йўлга қўйилса, кўнгилдагидек иш бўларди. Поликлиникалардаги даволаш-диагностика ишларини ташкил қилишда тиббиётга алоқаси бўлмаган туман мутаассадларининг аралашувиға чек қўйиш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир. Шунингдек, республика марказларидан сўраладиган ҳисоботлар сонини камайтириш

керак. Коронавирусга тест олинганлар ва натижалар ҳақида лаборатория ягона электрон тизим орқали маълумот берилишини йўлга қўйиш лозим бўлади.

Иш юкларини ходимларнинг реал сонидан (беморлар, ҳамшираларни ҳисобдан чиқариб) келиб чиқиб белгилашни керак. Шунингдек, тиббиёт ходимлари жуда бўлмаганда, бир марталик тиббий никоблар билан узлуксиз таъминланиши даркор. Улар аҳоли олдида айбисиз айбдор бўлиб қолишининг олди олинса, адолатли иш бўларди. Тиббиёт ходимлари ўз бурчларини сидқидилдан бажаришларига ишонаман.

**Мақсуда ВОРИСОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

### ОНЛАЙН МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## Ўзбекистон ХДП фракцияси ўз фаолиятидан қониқадими?

Ўзбекистон ХДП фракциясининг дастлабки олти ойлик фаолияти юзасидан онлайн тарзда матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбир аввалида жорий йилнинг 14 июль куни Президентимиз раҳбарлигида ўтган видеоселектор йиғилишида кўтарилган долзарб масалалар, уларнинг ечими бўйича белгиланган чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, фракция аъзолари видеоселекторда ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, муаммоларини ҳал этиш бўйича зарур йўналишлар кўрсатиб берилганини алоҳида таъкидлашди. Мазкур масалаларга фракция ташкилотлари, хусусан, депутатлар чўқур қараш, ҳудудларда жамоатчилик ҳамда депутатлик назоратини ўрнатиш лозимлигини билдиришди. Сўнгра Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси **Улугбек Иноятов** олти ойлик фаолияти юзасидан маълумот берди.

— Бу йил барча соҳа вакиллари сингари депутатлар учун ҳам синови келди, — деди Улугбек Иноятов. — Шунга қарамай, Ўзбекистон ХДП фракцияси ўз фаолиятини тартибга сойишга қаратилган дастури ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси иш режалари асосида амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, партиямиз томонидан пандемия шароитида қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан йўл харитаси

ишлаб чиқилди. Фракция аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия ташкилотлари фаоллари томонидан республика миқёсида «Саҳоват ва кўмак» хайрия акцияси ўтказилди.

Шунингдек, партия ходимлари ва депутатларидан иборат «Партия кўнгилчилар жамоалари» ҳам ташкил этилди. Уларга ҳудудий партия кенгашлари масъулларидан 214 нафари, маҳаллий Кенгашлар депутатларидан 1600 нафари жалб этилди. Жамоа бугунга қадар 7000 га яқин маҳаллада бўлиб, электро-ратимиз муаммоларини ўрганиб, тарғибот ишларини олиб борди. Депутатлар жараён давомида ҳудудларда карантин қондаларига риоя қилиш ҳолати, ёрдам пулларининг манзиллиги бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Айтиш кераки, мазкур хайрия тadbирлари мобайнида 75 миңдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 46 миллиард 110 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари тарқатилди.

Бутун дунё аҳолиси кўринмас ёв билан курашаётган бир даврда Бухоро ҳамда Сирдарё вилоятида юз берган табиий офат, Сардоба сув омборидида

фавқулодда вазиятдан жабрланганларга кўмаклашиш учун Ўзбекистон ХДП бу вилоятларга 200 миллион сўмлик ҳимийлик маблағлари ажратди.

Таъкидлаш лозимки, қонун ижодкорлиги борасида ҳам самарали иш олиб борилади. Ўтган ярим йил давомида фракция аъзолари томонидан 107 та қонун лойиҳаси юзасидан 245 тақлиф ишлаб чиқилди ва масъул кўмиталарга тақдим этилди. Шунингдек, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси жойларга юборилиб, партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг тақлифлари олинди. Фракциямиз билдирган тақлифларнинг 114 таси инobatта олинди.

Фракциямиз парламент назоратини амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йил Давлат дастурида белгиланган вазифалардан ҳамда партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, долзарб муаммолар юзасидан 18 вазирлик ва ташкилотларнинг ахборотлари эшитилди. Эшитув якунлари юзасидан муаммоларни бартараф этишга қаратилган тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида оммавий ахборот воситалари ходимлари фракция аъзоларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мувожабат қилди.



**Улугбек ВАФОВЕВ,**  
Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси

— Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари белгиланган муддатда ҳудудларга чиқиб, аҳолини уйлантираётган масалаларни ўрганиб, таҳлил қилади ҳамда зарурий ҳолларда қонунчилик тақлиф билан чиқади. Мана шу борада Халқ демократик партиясининг фаолияти қандай бўлди?

— Республикаимизнинг турли ҳудудларида бўламан. Одамлар билан суҳбатлашамиз. Хурсанд бўладиган жиҳати, улар ўзларини уйлантираётган масалалар биз, депутатлар орқали ечим топишига ишонишмоқда. Муаммоларини борица баён этишади. Учрашуларда мамлакатимизнинг бошқа-бошқа

ҳудудларида истиқомат қилаётган инсонларни бир масала уйлантираётганини билиб, рост, қуйнаман. Баъзи ҳолларда камчиликлар ечим топиши учун қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кераклигини англаймиз. Мана шу ўрганишлар натижасида қонунчиликка берган биринчи тақлифимиз ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга ҳам нафақа тайинлаш бўлди. Бугунгача ҳолат қандай эди? Бундай оналар фақат болалари учун ногиронлик нафақасини олади. Нафақа миқдори 468 миң сўм. Ногиронлиги бўлган бола давлат муассасаларидан бирида таҳсил олиб, тарбияланганда ойига миллионлаб маблағ сафланарди. Айни вақтда бола тарбияси билан банд онанинг эҳтиёжи ҳисобга олинмаган. Бир ўйлаб кўрайлик, бу қайси адолат мезонига тўғри келади?

Шунингдек, учрашуларда асосан ёшга доир пенсияга чиқишда турли муаммолар юзасидан мувожабатлар бўлади. Масалан, пенсия тайинлаш ҳақидаги қонунчиликка кўра болани парвариш қилиш бўйича берилган таътилнинг фақат биттаси меҳнат стажига киритилади. Шунингдек, туғруқолди 26 кунлик меҳнат стажига киритилмайди. Ваҳоланки, аёлга касаллик варақаси берилди. Мана шу борада ҳам қонунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича тақлифлар берганмиз.

**Ўрганишлар натижасида қонунчиликка берган биринчи тақлифимиз ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга ҳам нафақа тайинлаш бўлди.**

— Пандемия даврида аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий давлатлар ўз фуқароларига пул маблағлари тарқатди. Умумлаштираётганда шу амалиёт нега жорий этилмапти?



**Шарофиддин НАЗАРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бу саволга аниқ ва тушунарли жавоб берилиши лозим, деб ўйлайман. Негаки, бу масала аҳоли орасида қўллаб-қувватлашга сабаб бўлмоқда. Масалан, АҚШ давлатини оладиган бўлса, пандемия вақтида аҳолига дастлаб 1400 АҚШ доллари, кейинроқ яна маълум миқдорда пул маблағи берилди. Бироқ COVID-19 дан даволанишлари учун тиббий сугуртага эга фуқаролар 30 миң, сугуртаси бўлмаганлар эса 60 миң АҚШ долларигача сарфлашди. Ҳатто баъзи оилаларда бу кўрсаткич 1 миллион АҚШ долларигача етди.

Бизда эса ёндашув бошқача бўлди. Бунда асосан мамлакатимиздаги вазият ҳамда тиббиёт соҳасидаги ўзига хос тизим сабаб

бўлди. Даволанишга кетадиган харажатларнинг асосий қисмини давлат ўз зиммасига олди. Шунингдек, аҳолига манзилли ёрдам бериш мақсадида улар бир неча тоифага ажратилди. Эҳтиёжманд оилалар рўйхати шакллантирилиб, зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Ўзим ҳам сайлов округимдаги, Чироқчи тумани «Тарағай» қишлоғида истиқомат қилаётган ана шундай 36 оилада бўлдим. Одамлар вақтида белгиланган маҳсулотларни олаётганини билдим. Суҳбат жараёнида кўмак пул маблағи кўринишида бўлганида бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкинлигини ҳам айтишди. Иккинчи гуруҳ бугун кун кечирибги имкони бор, лекин иш фаолиятини юритишга эҳтиёжи юқори бўлмаганлардир. Уларнинг манфаатини ўйлаб, 48 триллион сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилди. Шунингдек, карантиннинг иккинчи кунайтирилган даврида ҳам зарурий дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришни давлат ўз зиммасига олди. Бунинг учун 120 миңдан ортиқ оила рўйхати шакллантирилди. Дунёда бундай тизимли ёндашув давлатлар санокли. Бугунги кунгача давлат томонидан ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида пандемия билан боғлиқ харажатлар учун 6 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ ишлатилган. Буларнинг барчасини халқимизга тўғри тушутиришимиз лозим.

Махллий АЛИҚУЛОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ри рўбарў келяпти. Яна ўша ҳудуд врачлари, патронаж ҳамширалари, «103» хизмати ходимларининг бошида калтак синяпти. Президент бу ходимларнинг захматини тан олиб, уларга миннатдорлик билдириб турган вақтда, маҳаллий раҳбарлар томонидан улар билимсизлик, дангасалик, бепарволикка айбланмоқда. Касаллик билан олишиб, вирусни ўзига юктириб олганлар ҳам ношуд, деган ноҳақ ном олди. Бу қанчалик мантқиқга тўғри келади? Ахир алангани ўчириш учун олов ичига кирган ўт ўчируви ҳам қуйиши мумкин-ку!

Бир ҳисоблаб кўрайлик, тўрт ойдан бери амалда фаолият юритаётган шифохоналар, бирламчи бўғин ва тез тиббий ёрдамдаги тиббий ходимлар қандай ишламоқда? Уларнинг қанчаси касалликка чалинди? Пандемия сабабли вазифаси кўпайгани учун биз уларни бошқа ишлардан озод қилдикми? Етмишга яқин тиббий

### Иқтисодий, тадбиркорларни фаол қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар: ИЖТИМОЙ СОҲА

Муддати март-июнь ойларида тугайдиган қуйдаги нафақа ва моддий ёрдам тўлаш ариза ва бошқа ҳужжатларсиз янги муддатга ўзайтирилади:

- 14 ёшгача болалари оилаларга нафақа
- 2 ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа
- кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам

\* Бироқ, бу муддат бола тегишлича 2 ёшга ва 14 ёшга тўлгундан кўп бўлмаслиги керак

Ушбу даврда бошқа муҳтож оилаларга ҳам шундай нафақалар тайинлаш давом эттирилади

120 миңдан зиёд кам таъминланган оилалар қамраб олинади

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни белул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларининг рўйхати карантин тадбирлари амал қилиши даврида қуйдагилар киритилади:

- бир марталик кўлқоплар
- бир марталик никоблар
- антисептик воситалар
- бактерияга қарши совулар жамланмасы

МАНБА: 03.04.2020 йилдаги ПҚ-5978-сон Президент Фармони | @huquliyaxbotot



Эркак уйдан бошини эгиб чиқмаслиги, ўзини унутмаслиги учун унинг иши, топиш-тутиши, жамиятда ўрни бўлиши шарт.

ДЕПУТАТ БИЛАН СУХБАТ

МАВЖУДА ҚАСАНОВА:

«ҲАР БИР КИШИДА ЖАМИЯТГА НАФ КЕЛТИРИБ ЯШАШ ИСТАГИ БЎЛСИН»



Бугунги суҳбатдошимизнинг касби — педагог. У Сурхон воҳасида туғилиб, вояга етган. Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида Халқ демократик партияси электорати манфаатларини ҳимоялашда фаол иштирок этмоқда. Депутатимиз билан суҳбатимиз жамиятимиздаги айрим муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида бўлди.

— Пандемиядан кейинги ҳаёт ҳақидаги тасаввурларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Албатта, ўтган йилнинг декабрь ойида Хитойнинг Ухан шаҳрида илк бор аниқланган бу хасталикни ҳеч ким шу даражага етди, бутун дунёни забт этади, деб ўйламаганиди. У дастлаб шахарларда, мамлакатларда тарқалди. Қитъа ошди. Ниҳоят бутун дунёни забт этди. Юқини яшин тевизгида ҳозир ҳам давом этмоқда. Миллионлаб одамлар бу дарда дучор бўлиб, минглаб одамлар ҳаётдан кўз юммоқда.

Бу мисли қўрилмаган синов. Ҳар ишда хайр бор, дейди доно халқимиз. Онгимизда чуқур ўзгаришлар рўй берди. Инсон бўлиб оддийгина тозаликка эътибор қилмай, сабр ва қаноатдан узоқлашиб, ҳою хавасларга, шухрат-парастликка, кибр-ҳавога берилиб, ўзимизни, ўзгилгимизни унутиб қўяёганмиз аён бўлди. Пандемиядан дунё иқтисодиётига жуда катта зарар етди. Худо хоҳласа, бу қийинчиликлардан албатта ўтамиз. Аввалгидан кўра кучлироқ бўлиб, қадимизни ростлаб оламиз. Дунё мусофоланади. Инсон руҳияти талвасая, вассасалардан йироқлашиб сокинлашади. Бирлашиб ҳаракат қилса, коронавирусни албатта енгамиз ва оёқсизлашга ҳаётга қайтамиз.

— Сизнингча, пандемия қандай иқтисодий инқирозларга сабаб бўлиши мумкин?

— Халқимизда йўғон чўзилди, илгичка узилди, деган ибора бор. Одатда қийинчилик ҳақидаги организм нарчаб, ём-гир-қорли кунларда иш бўлмай, супранинг таги кўриниб қолган "илгич узилди" пайлар, яъни киши билан баҳор ўртасидаги ўтиш даврига нисбатан бу ибора ишлатилади. Пандемия ҳам бизни шундай иқтисодий мураккаб вазиятга олиб келди. Айниқса, кунлик ишга чиқиб, пул топадиган минг-минглаб одамларга қийин бўлди. Иқтисодий таянчи бўлган йирик корхоналарда ишининг тўхтаб қолиши ҳам мамлакатларнинг иқтисодий

салоҳиятига салбий таъсир қилиши билан бирга, улкан иқтисодий муаммо — ишсизликни вужудга келтирди.

Коронавирус пандемияси натижа-сида бугун жаҳон иқтисодиётининг бар-ча реал тармоқлари — саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, қурилиш, транспорт, туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли даражада пасайиш ва ишсизлик ортиб бориши кузатишмоқда. Олдинлари инқирозлар асосан иқтисодий бўлиб, маълум дара-жада иқтисодий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатган. Бугунги инқироз эса иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан баб-баравар баҳоланмоқда.

Халқаро экспертларнинг фикрича, жаҳон савдо айланмаси 30 фоизга ка-майд, 40 миллиондан ортиқ киши иш-

Депутат — халқ вакили. У ҳақиқатда халқ билан бирга қувониши, бирга қуяниши шарт. Оддий одамларга нима керак? Унга тинч ҳаёт, кафолатланган иш ўрни, рўзгорини бутлашга етадиган иш ҳақи.

сиз қолиши эҳтимоли мавжуд. Европа Иттифоқи давлатларида 2020 йилнинг бошида ишсизлик даражаси 6,2 фоиз-ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Испания, Италия, Франция, Греция каби давлатларда ўртача 12 фоиздан ошиб кетган бўлган. Жорий йилнинг май ойида ишсизлик даражаси АҚШда ҳам мисли қўрилмаган натижаларга етиб келгани айтилмоқда.

— Давлатимиз томонидан қандай чора-тадбирлар кўришмоқда. Ушбу йўналишда депутатларнинг вазифалари нима билан боғлиқ?

— Мумкин бўлса, батафсилроқ ва мисоллар билан гапириб берсангиз.

— Бугун бутун дунё ўзбекистондаги бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб турибди. У ҳам бўлса, аҳоли иқтисодий-иқтисодий ҳаётига пандемиянинг зарарли таъсирини камайтириш мақ-садида қўрилатган улкан чора-тад-бирлар. Бу масалада қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, мақсадли дастурлар асосида аҳолининг иқти-моий ҳимоясига улкан маблағ йўнал-тирилмоқда. Депутат — халқ вакили. У ҳақиқатда халқ билан бирга қувониши, бирга қуяниши шарт. Оддий одамларга нима керак? Унга тинч ҳаёт, кафолат-ланган иш ўрни, рўзгорини бутлашга етадиган иш ҳақи. Оддий одамга муно-сив турмуш шароитини яратиб бериш, ерданга муҳтож қатламни иқтисодий ҳимояси учун қўришиш депутатнинг асосий вазифаси бўлиши шарт.

— Биздаги маълумотларга кўра, жойларда банкдан кредит олишнинг қўйиш масаласида ҳамон тўсиқлар мавжуд. Бу муаммони ҳал этиш учун қандай чора кўрилиши керак, деб ҳисоблайсиз?

— Бугун инсоннинг ўз салоҳиятини эмин-эркин юзага чиқариб, эл-орт ри-вожига ҳисса қўлиши учун шароит яра-тиб бериш, тадбиркорликни ривожлан-тириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бунда тижорат банклари муҳим ўрин тутаяди. Улар ўзининг хусусий ишчи оқаман, тадбиркор бўлган, деган фуқарони ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлаши зарур. Афсуски, тижорат банк-ларининг замон билан ҳамнафас бўли-маётгани, бўлолмаётгани, дунёқараши бугунги давр талабларига тўғри келмай қолаётгани Президентимиз алоҳида таъкидлади. Оддий қилиб айтганда, бу-гунги сиёсатдан руҳланиб, банкка бор-ган одамни улар кредит олишнинг қўй-кафолати, тўлай олмағлининг улкан хавфи ҳақида гапириб, қўриқтиради. Га-

ров учун улар айтган пул-у мулк бор одам кредит олади? Шу билан тад-биркор бўлиш озу-халларидан сар-маст фуқаро ҳўши бошидан учиб, орта қарамай қочади. "Оч қорним — тинч қулгим", деган тушунча одамлардаги лоқайликнинг наоси. Банкларнинг бу сансалорликлари оддий одамларни қўл овора қилаётганлиги фаолиятимиз давримизда гувоҳ бўлганмиз. Янгида округимизда сайловчилардан икки на-фарри кредити чиқмаётгани ва банклар сарсон қилаётганлиги юзасидан му-рожаат қилишди. Муружат юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди.

— Оқиреи пайларда айрим ман-сабдор шахслар томонидан нафа-қат фуқароларга, балки ҳўқимият тизимидаги идоралар вакилларига

Бугун раҳбарлик курсида ўтирганлар бир нарсани унутиб қўяди, менимча. У жой абадий эмас. Ҳаммадан қолади.

ҳам турли қўполликлар қилиш ҳолатлари кузатишмоқда. Бунга қандай изоҳлайсиз?

— Ҳозир ҳар қандай иқтисодий-иқ-тисодий шароит бўлишига қарамадан, маънавиятга устувор аҳамият қарати-лаётгани бежиз эмас. Маънавият — ин-соннинг ички оламини покловчи, ўзида киши хулқ-оқоби, илму маърифати, ду-неқарашини мужассам этган кенг тушу-нчдир. Қўпол, ўзининг ҳам, бошқалар-нинг ҳам қадрини билмайдиган бундай раҳбарларда маънавият етишмайдми. Улар тор тушунчали инсонлар бўлгани учун оқларни ердан узилди, кибр боқ-қига ботган. "Шармандага шаҳар кенг", дейди халқимиз. Эркин замон дегани, уят-андиша либосларини ёчиб отиб, ўзини ўзи шарманда қилиш дегани эмас-ку! Ўзини билган одам бундай қилмайди. Маънавият айнан ўзлини топишдир. Маънавий тарбияга оидан, мактабдан алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

— Турги, фарзандимиз гапга кирмаса, ноқўя ҳаракатлар қилса, қойимиз, оқ-қорани тушунтиришга, хатоларини англаштига уринамиз. Бироқ ур-сўк билан эмас, босиқлик ва маҳорат билан одамнинг қалбига йўл топиш керак. Ай-ниқса, раҳбарлар ҳақида эл назарига бўлади. Улар ҳар бир ишда дипломатик ёндашувга таяниши шарт. Деҳқонга деҳ-қончасига, ошпазга ошпазчасига, тадбир-корга тадбиркорлик тили билан муомала қилмас экан, ютқазсади, одамларнинг назаридан қолади. Бугун раҳбарлик курси-сида ўтирганлар бир нарсани унутиб қўяди, менимча. У жой абадий эмас. Ҳаммадан қолади. Эртага амалдан кет-ган, одамлар орасида бемалоп бош кўта-риб юриш учун ҳам бутун тарбиясизлик, маданиятсизлик қилмаслиги, босиқлик билан узоқни ўйлаб, ўзини тутиши зарур.

— Янги давлатимиз раҳбари билан ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлаш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йўғилишида анчайин аччиқ ҳақиқат-лар ўртага ташланди. Бу борада қандай фикрдасиз?

— Видеоселектор йўғилишида Президентимиз дилдаги безовталиқ, қайғуриш ҳар биримизнинг дилмига кўчди. Чиндан ҳам, болаларимиз 11 йил мактабга қатнайдми. Уларнинг мактабдан олаётган таълим-тарбиясига, ўрганаёт-ган билимларига қанчалик қизиқилмайди? Устозлари билан фарзандларимизнинг қўбилияти, унинг нималарга қодирлиги ҳақида неча маротаба суҳбат қилган-

миз? Афсуски, биз бор-йўғи мактаб болаимизга ярим кун эгаллик қилиб ўтирганга рози бўлиб қолганмиз. Ота-оналарнинг бундай эътиборсизлиги, ўз-ўзидан ўқитувчи зиммасидаги масъ-улиятни ҳам пасайтирган. Натижада эса 11 йиллик умрини мактабда ўтказган ўғил-қиз, на ўқиган қиради, на бирор касбнинг эътигани тута олади.

— Энди бундай бепарволикка йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистонда таъ-лим-тарбия тизими янги боқичга кў-тарилмоқда. Фарзандларимизнинг би-лими, таълим-тарбияси, касб-хўнарли бўлиши, олий ўқув юртиларига кириши, бандлиги масаласи бутун жамиятнинг асосий диққат эътиборида.

— Бу масала билан депутатлар ҳам бевоосита шуғулланади. Чунки ҳаётнинг ўзи жуда кўп масалалар ечими, халқ вакиллари бўлиши депутатларнинг уюқлиги, фаолияти ва жонқурлигига боғлиқлигини кўрсатмоқда.

— Яна бир муҳим масала — хотин-қизлар бандлиги. Биз ёшларнинг қайси муаммолари ҳақида гапирмайлик, улар ўз-ўзидан аёл билан боғлиқ бўлиб қо-лаверади. Чунки фарзанд она таъсири, унинг меҳри, тарбиясидан кўпроқ маъ-навий озуқа олади. Шунинг учун аёл ўз рўзгоридан қўғли тўқ бўлса, ишласа, даромад топса, фарзанднинг эртанги қуни учун ҳам эътибори боқича бўла-ди. Бу масала ҳам биз, депутатларнинг асосий диққат марказида туриши шарт.

— Бугун пандемия шароити бўлишига қарамадан, аҳоли, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, тад-биркорликни ривожлантириш, оилалар фаровонлигини ошириш учун керакли шароит ва имкониятлар яратишга юксак эътибор қаратишмоқда. Бундай улкан гамҳўрликлар ўз эгаларига етиб боришида Президентимизга елқадорш, жамиятимизга ҳамнафас бўлиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

— Ер юзиде авж олган одам сав-доси қурбонига айлиниб қолаётган-ларнинг аксарияти хотин-қизлар экани ҳеч кимга сир эмас. Опа-син-галларимиз "савдогарлар" гирдо-бига тушиб қолмаслиги учун яна қандай қўшимча чоралар қўйлашни таклиф этган бўлар эдингиз?

— Одам савдоси — инсоният тубан кетиб бораётгани натижада топаётган энг жирканч иллатдир. Ахли аёл, опа-сингаллар бу иллатнинг қурбонига ай-ланаётгани янада аччиқ. Уйил болани тарбиялаганда, бир инсонни, қиз болани тарбиялаганда, бутун миллатни тарбия-лайсанг, дейишди. Чунки ўғил болани ҳам аслида она тарбиялайди. Баъзи аёл, қизлар ўз ўрни, вазифаларини унутиб, ўзларини нафс манбаи биллиб, кўча-кўйда сарсон юрганликка кела-жағимизни хатарга қўйибчи фожадир. Улар муқаддас ўрнини биллиб, уйининг, ҳаётнинг ҳам чиройи, ҳам қаробони бў-лишдек азалий вазифаларига содиқ қи-лишлари учун биз уйдаги ўғил боладан, бўлажак эркакни, отани тарбиялашимиз керак, деб ўйлайман. Шунда табиятан гўлдай бўлган аёл гўлдай эъзоз, парва-риш қўради. Эркак уйдан бошини эгиб чиқмаслиги, ўзини унутмаслиги учун унинг иши, топиш-тутиши, жамиятда ўрни бўлиши шарт. Рўзгорини боқичга қодир ҳалол касб-хўнари бор эркак эр-талаб ишга, кенчурун уйга шошилади. У ҳеч қачон орини, лафзини йўқотмайди. Чунки уйда тинчи ва қадри бор эркак-нинг жамиятда ҳам ўрни бўлади.

— Аксарият аёлларимизнинг одам савдоси қурбонига айлинишида, албатта эркакларнинг, оталарнинг улуши бор. Ойлада аёлга, қизга беъэътиборлиги натижада хотин-қизлар ана шундай боши берк қўчага кириб қолаётгани ҳам рост. Шунингдек, хотин-қизлар ўз ҳақ-хў-ққини билмаслиги, оиладаги носоголом муҳит ҳам бу "савдогарлар"нинг бозори қаққон бўлишига хизмат қилмоқда. Бу-нинг олдин олаш учун қўйи тизимида, маҳалларда иқтисодий-маънавий муҳитни яхшилаш борасида тизимли иш-ларни масъул ташкилотлар ҳамкорлиги-да йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайман.

— Опа-сингалларимиз камситилишининг олдини олиш борасида туман даражаси-да юрист, психологларга шта акратиб орқали фаолияти йўлга қўйилса, жа-миятда учраб турган номаъқул ҳолатлар секин-аста камайдми, барҳам топади.

— Агар сизда имконият бўл-ганида жамиятда қандай ўзгаришлар қилган бўлар эдингиз?

— Муъжизалар кутиб яшаш ёки олтин баллиқчага дуч келиш ҳам шарт эмас. Ҳар биримиз мақсад сари дадил интилимиз керак. Ҳар бир инсонда масъулият ҳиссини оширувчи элекси-р таяёрлардир. Одамлар юртим, халқим учун нима қилдим, деган ҳаёл билан яшашларини истардим. Истагим, ҳар биримизда жамиятга наф келтириб яшаш завоқи, иштиёқи, мақсади бўлсин.

ON-LINE ОРОМГОҲ



Мутолаа — юракка яқинлашиш демак

Оромгоҳ деганда, болалар учун кўнгличар аттракционлар, турли ўйин-қўлгулар, музқаймоқлару томошалардан иборат сўлим дам олиш маскани кўз олдимизга келади. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан йўлга қўйилган "On-line оромгоҳ" лойиҳаси эса аксинча, адабиёт, илм-фан ва илғор техникаларни қўллаб-қувватлаш, баркамолликка эришиш учун ташкил этилган ижодий боғ ҳисобланади.

Ушбу лойиҳада ҳар бир ихтисос мактаблар учун ўқувчиларнинг қизиқишига қараб, турли хил фан тўғараклари фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Мазкур лойиҳани ишга туширган агентлик вакиллари бизга тўлиқроқ маълумот берди.

— Пандемия бутун дунёни ларзага солаётган, миллионлаб инсонларнинг соғлигини забт этётган оғир синовдир, — дейди Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожланти-риш агентлиги матбуот хизмати раҳбари Шоира Ҳамроева. — Ер юзи аҳолиси кўрқув ва хавотир ичида қолган бир пайтда фарзандларимиз руҳия-тини кўтариш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ва самарали ташкил қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда ташкил этилган "онлайн оромгоҳ" лойиҳаси доирасида агентлик таркиби-га кирувчи мактаб ўқувчилари мусиқа, хорихий тиллар, расм, дастурлаш, графика ва дизайн, жисмоний тарбия каби йўналишларда билим ва кўникмаларини ошириш имконига эга бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу лойиҳада иштирок этишни истаганлар учун логин ва қалит сўзлари тақдим этилади. Ана шулар орқали агент-лик таркибидеги ўқувчилар оромгоҳда қатнашиш имконига эга бўлади. Мақсадимиз ўғил-қизларнинг ёғи таътилини фойдали машғулотларга йўнал-тириш ва шу орқали уларни турли ваҳималар, шов-шувли ахборотлардан асрашдан иборат. Ўйлаймизки, ота-оналар ушбу лойиҳада фарзан-дининг иштирокини янада кўпроқ таъминлашга эътибор қаратади.

— Мен "онлайн оромгоҳ" доирасида ташкил этилган назм ва наво тўғаригини аъзосиман, — дейди Фаргона вилоятидаги Эркин Воҳидов номли ижод мактаби ўқувчиси Нилуфар Эргаше-ва. — Шеърининг биз билмаган сирлари талай-гина. Ана шуларни ўрганиш мақсадида онлайн тўғаракларда қатнашялман. Бадиий адабиётларни ўқиган жуда қизиқман. Шунинг учун оромгоҳда энг сара асарларни юкляб олдим. Мутолаа юракка яқинлашиш, деб биламан. Барча тенгдошларим китоб ўқиш орқали юракка яқинлашиш бахтини ҳис қилишларини истардим.

Шунингдек, республикамизнинг бошқа ҳудуд-ларидеги ижод мактаблари ўқувчилари билан танишимиз ва дўстона муносабат ўрнатдим. Ушбу имкониятни берган лойиҳа ташаббускорларига раҳмат, дейман.

Инсонлар орасида ҳақиқат турли тортишувлар, баҳслар бўлиб қолган ва бу давом этаверади. Бироқ улар орасида энг кўзга қўриққан ва гўзали китобхонлар мунозарасидир. Пандемия шаро-итида уйда қолиб, янги ташаббуслар устида иш олиб бордим. Ана шулар асосида ўқувчилар учун мунозара лойиҳасини тақдим этмоқчиман. Бун-дан мақсад, ҳар бир ижодкорнинг ўз сўзи, овози бўлсин. Ўз фикрини уқтира олсин. Ана шунда му-толаадан сўнг ҳар бир шахсда юрт тақдирини, халқ истиқболини учун қайғуриш, масъулият уйғонади, деб ишонаман.

"On-line оромгоҳ" лойиҳаси иштирокчилари билан суҳбатлашимиз асосида уларнинг билим ва кўникмалари, фикрлаш доираси нақадар кенг эканига гувоҳ бўлдик. Бугунги мураккаб вазиятда ўқувчиларни фойдали машғулот билан банд қилиш эса ўта муҳим масала ҳисобланади. Юртимиздаги барча ўқув муассасалари замонавий технология-лардан самарали фойдаланиш орқали шу каби лойиҳаларни ишга туширса, фарзандларимизнинг таътил вақти бекор ўтмаслиги таъминланади.

Ўз мухбиримиз.

ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ




Table with 3 columns: 'Ишдан ва иш ҳақидан (мехнат даромадидан) маҳрум бўлган шахсларга', 'Узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин мехнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга', 'Илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсларга'. It lists conditions and benefits for each category.

Қаромоғида 16 ёшга тўлмаган болалари ва бошқа кишилар бўлган ишсиз шахсларга нафақа миқдори 10% га оширилади.

"Ўзбекистон овози" мухбири Зилопа УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.




Қурбонлик қилишдан мақсад банданинг Яратувчи амрига итоатини ва тақвосини намоён этишдир.

ҚУРБОН ҲАЙИТИ АМАЛЛАРИ

# ШОДЛИК ВА ШУКРОНАЛИК ИЗЎР ҚИЛИНАДИГАН КУНЛАР

## Ёки пандемия шароитида улуг айёмни қандай нишонлаймиз?



**Бутун Ислом оламида, хусусан, юртимизда энг улуг байрамлардан ҳисобланган Қурбон ҳайити муносабати билан ушбу айёмнинг фазилати, бу кунларда қилинадиган савобли амаллар ва бугунги синови кунларда байрам кайфиятини халқимизга сингдириш борасида қандай иш туттиш кераклиги борасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ ҳазратлари билан суҳбатлашдик.**

— Мухтарам муфтий ҳазратлари, аввало, Ислом динимиздаги муборак Қурбон ҳайити байрамнинг бошқа диний байрамлардан фарқи, ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аввало, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва ўз номидан бутун халқимизни муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбдан самимий муборакбод этаман. Мана шундай улуг айём кунларига етказгани учун Аллоҳ таолога чекиз шукроналар айтаман. Қодир Аллоҳдан халқимизга осудалик, кут-баракат, бахт-саодат, тан-сиҳатлик ва катта ташвиш бўлиб турган коронавирус касаллиги тезроқ инсоният бошидан аршини сўраймиз.

Ҳайит байрамлари қадимдан юртимизда ўзгача, халқимизга хос меҳр-муруват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келган. Президентимизнинг ҳайит байрамларини нишонлаш тўғрисида ҳар йили қабул қилаётган қарорларида байрамни жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий ва диний қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширишга қатор мутасадди ташкилотлар жалб қилинади.

Таъкидлаш жоизки, Қурбон ҳайити буюк байрам ва қувончли воқеадир. Ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қурбонлик кунини байрам қилишга амр қилинган. Уни Аллоҳ бу уммат учун хос қилган», дедилар. Демак, Қурбонлик кунини байрам қилишни Парвардигори олам Пайғамбар алайҳиссаломга амр қилган. Аллоҳ таоло фақатгина биз умматларга бу Қурбон ҳайитини ўзига хос байрам қилиб берган.

Қурбон ҳайити ҳижрий-қамарий зулҳижжа ойининг 10-кунини нишонланади. Аллоҳ таоло Қурбонни каримнинг «Фажр» сурасида: *رَتَّلُوا وَغَيِّثُوا وَرَتَّلُوا وَغَيِّثُوا* «Тонга қасам. Ўн кечага қасам. Жуфт ва тоққа қасам», деб марҳамат қилган.

«Ўн кечага қасам»дан мурод зулҳижжа ойининг дастлабки 10 кунидир, «жуфтга қасам»даги «жуфт»дан мурод, зулҳижжа ойининг ўнинчи кунини, «тоқ»дан мурод эса тўққизинчи кунидир.

Имом Нисобурий айтадиларки, Аллоҳ таолонинг ушбу ўн кечага қасам ичиши, бу кунларнинг нечоғлиқ шарофли ва улуг эканига далолат қилади ва унда дунёвий ва ухровий манфаатлар борлигини билдиради.

Ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ учун ибодат қилишга зулҳижжанин ўн кундан сеvimлироқ кунлар йўқ. Унинг ҳар кунлик рўзаси бир йиллик рўзга, ҳар тундаги ибодат Лайлатул қадрадаги ибодатга тенгдир», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Уламолар бу кундаги фазилатли ибодатларни баён этишган. Аввало, Аллоҳ таолога таҳлил, тақбир ва хамд айтиш. Бир ҳадиси шарифда: «Бу кунларда таҳлил, тақбир ва хамд санони кўпайтиринлар», деб марҳамат қилган. Демак, Аллоҳнинг зикрини қилиб, кўп шукроналар келтиришимиз керак.

Одатда, ҳайит кунини ҳамма бир-бирини улуг кун билан самимий муборакбод этади. Таъкидлаш кераки, бу йил Қурбон ҳайитининг карантин талабларига мувофиқ, уй шароитида, оила даврасида, ҳашаматсиз ва камтарона, тартибли нишонлаймиз. Биринчи ўринда бизларни дунёга келишимизга сабабчи бўлган ота-оналаримизни, улардан кейин қариндош-уруғларимизни, ёру биродарларимизни телефон орқали йўлаймиз. Уларнинг кўнглини сўраш ва кўтаришга ҳаракат қиламиз. Бу кун барчага қувонч улашладиган кундир.

Зеро, улуг алломаларимиз: «Ҳайит кунлари шодликни изҳор қилиш диннинг шiorларидандир», деганлар. Исломининг шiori бўлган Қурбон ҳайити кунларида қувончимизни, саховатимизни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ намоён қилишимиз лозим.

— Ушбу айём кунлари қилинадиган энг афзал амаллар тартиби ва савобли ишлар фазилати ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз, фойдадан холи бўлмасди.

— Бу кунларда энг улуг ибодат, шубоҳасиз, Қурбонлик қилишдир. Аллоҳ таоло «Кавсар» сурасида: «Албатта, Биз сенга Кавсарни бердик. Бас, Роббингга намоз ўқи ва жонлиқ сўй», деб марҳамат қилган.

«Кавсар»ни тафсиричларимиз «кўп яхшилик» деб айтишлари, бу эса Пайғамбар алайҳиссаломга берилган Қурбон, пайғамбарлик, ҳикмат, умматнинг кўплиги, шафоат каби сон-саноксиз яхшиликлар.

Қурбонни каримда марҳамат қилинади: «Аллоҳга (қурбонлик) гўшлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотта сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни хидоят қилгани сабабли — У зотни улуглашларингиз учун — уларни сизларга буйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар берин!» («Ҳаж» сураси, 37-оят).

Ҳақиқатан, қурбонликка сўйилган ҳайвонларнинг гўшларига ҳам, қонларига ҳам Аллоҳ таоло муҳтож эмас. Қурбонлик қилишдан мақсад банданинг Яратувчи амрига итоатини ва тақвосини намоён этишдир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳадиси шарифда марҳамат қилиб: «Қурбонлик қилиш чиройли амаллардандир. У бандани дунёда балолардан ва охирада офатлардан ҳимоя қилади», — деганлар.

Қурбонлик қилувчининг қурбонлик сўйиш вақтида ҳозир бўлиши мустаҳабдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қизлари Фотима (розияллоҳу анҳога): «Бориб қурбонлигинга шохид бўл. Унинг биринчи

бекибс. Қурбон ҳайити — хайр-эхсон, саховат, меҳр-муруват байрами. Унда қилинадиган қурбонликлар эса жамиятда кишилар ўртасида инсоний фазилатларни ривож топишида қизмат қилувчи восита. Чунки қурбонлик гўш-тидан ва таомидан эҳсон қилишимиз қалбларимизни юмшатиб, меҳр-муҳаббат ришталарини мустаҳкамлайди.

— Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам коронавирус пандемияси карантини давом этаётган бугунги шароитда ушбу байрам қандай ўтказилиши тўғрисида тавсияларингизни билдирсангиз, кўпчилик ўзини ўйлантирган саволларга жавоб олган бўларди.

— Хабарингиз бор, муҳтарам Президентимизнинг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинди. Унда Қурбон ҳайитини карантин талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказишга алоҳида уру қаратилди. Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг Қурбон ҳайитини коронавирус пандемияси даврида карантин талабларига мувофиқ ўтказиш тўғрисидаги баёноти ҳам эълон қилинди.

Бугунги вазиятни инобатга олган ҳолда шаръий кўрсатмалар ва фиҳрий қоидалар асосида мўмин-мусулмонлар Қурбон ҳайитининг карантин талаблари

га мувофиқ, уй шароитида, оила даврасида, ҳашаматсиз ва камтарона, тартибли ўтказишлари алоҳида таъкидланди.

Ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зарар бериш ва зарар кўриш ҳам йўқ» деганлар. Ҳар бир бандани ўзини ўзи таҳликага қўйиши, ён-атрофдаги салбий ҳодисага эътиборсиз бўлиши тўғри эмас.

Муътабар фиҳрий китобларимизда «Зарарни даф қилиш фойдани жалб қилишдан олдинга қўйилади», деган қоида бор.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги баёнотида шарият инсонга зарар етиш эҳтимоли кучайган пайтда ибодатларни энгил тарзда бажаришга руҳсат беради ёки бутунлай зиммидан соқит қилади. Ҳайит намози вожиб амал бўлгани бос бугунгидай узрли ҳолатларда ҳайит намозини адо этиш соқит бўлади.

Ислом дини манбаларида Қурбон ҳайити намози вожиб амал экани баён этилган. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан жума намози вожиб бўлган кишиларга ҳайит намози вожиб экани нақл қилинган. Жума намози Қурбон, суннат, ижмо каби қатъий далиллар билан соқит бўлган фара амалдир. Модомки муайян узрлар билан фарз бўлган жума намозини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида уламолик ҳам ўзи-ўзидан маълум бўлади. Баён этилганлардан келиб чиқиб, 2020 йилги Қурбон ҳайити (Ййдул адҳо) намозини пандемия даврида жамоат бўлиб ўқиш имконияти мавжуд эмаслиги мўмин-

мусулмонларнинг зиммасидан ушбу ибодатни соқит қилади.

Ҳанафий маъзабининг муътабар манбаларида келишича, ҳайит намози Зухро (чошгоҳ) намозининг ўрнига қўйилган. Қачонки, ҳайит намози бирор узр сабабли ўқилмай қолса, икки ёки тўрт ракат нафл намоз ўқиш мустаҳаб бўлади. Тўрт ракат ўқиган афзал.

Шундай экан, Қурбон ҳайити кунларида савоб ишларни кўпайтириш, тақбири ташриқ айтиш, нафл ибодат қилиш, покланиш, чиройли қийимлар кийиш, хушбўйиланиш, қурбонлик қилиш айна савобли ишлардан бўлади.

Бу йилги Қурбон ҳайити карантин шароитида нишонланаётганини инобатга олиб, одамлар жамланишига сабаб бўладиган урф-одатларни ташкил этмаслик, уйма-уй юриб, турли хил азохликлар, маърака-маросимларни ўтказмаслик ва қабристонлар зиёратидан сақланиши сўраймиз. Ҳондонда оила-аъзолари билан бирга Қурбонни карим оятларидан тиловат қилиб, ўтганларимиз руҳи покларига бахшида этиш тавсия этилади.

Халқимиз бошига оғир иш тушган бир паллада муҳтарам Президентимиз бошчилигида ҳукумат аъзоларидан тортиб, вилоят раҳбарлари ва мутасадди ташкилот вакилларигача, айниқса, соғлиқни сақлаш ходимлари юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда кунни тунга улаб, ўз жонларини хатарга қўйиб, коронавирус хасталигини жийовлаш бўйича жиддий кураш олиб бормоқдалар.

Мазкур ўрнатилган тартиб-қоидалар ва чекловларнинг барчаси аҳолимиз саломатлигини асраб-авайлаш учун қилинмоқда. Буни теран ақл билан тўғри тушунишимиз керак. Халқимиз ҳаётини сақлаш йўлида амалга оширилаётган барча чоратadbirlарни қўллаб-қувватлашимиз лозим бўлади. Ҳар биримиз ўзимиз, оиламиз, фарзандларимизнинг соғлиги ва тақдирини учун аввало ўзимиз масъул эканимизни чуқур англашимиз лозим.

Ҳар бир иш Аллоҳ талонинг изни ва иродасидандир. Ҳақ таоло ҳеч қачон ўз банданинг кетма-кет оғир ахволларга тушиб қўймайди, синовларга сабр ва шукр қилишга амр қилган.

Қурбонни каримда: «Албатта Аллоҳ теъда тангликдан кейин энгилликни пайдо қилур» (Талок, 7), деб хушхабар қилган.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Хурсанд бўлинлар! Сизларга энгиллик келди. Ҳаргиз бир кийинчилик икки энгилликдан устун келмайдми» (Имом Ҳоким).

Абу Бакр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда қуйидагилар айтадилар: «Аллоҳдан яқинини (мустаҳкам имон) ва мустаҳкам соғлиқни сўранлар. Ҳеч бир кимсга яқиндан кейин офиятчилик яхши нарса берилмаган» (Имом Аҳмад ривояти). Демак, инсонга Аллоҳ томонидан берилган неъматлар ичда энг биринчи ўринда мустаҳкам имон турса, кейинги ўринда соғлиқ турар экан. Уни асраб-авайлаш кишининг олий бурчи ҳисобланади.

Азиз юртдошлар, Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти ёғилиб турган ушбу фазилатли кунларда қалбимиз юмшаб, ихлосимиз ортиб турган лаҳзаларда дуо қилайлик. Халқимизни, жонажон Ватанимизни офату кулфатлардан, балою қазолардан Узи сақлаб, ҳаётимизни фаровон қилсин.


Азиз юртдошлар, Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

Сафар ОСТОHOB суҳбатлашди.

ҚАРОР ВА ШАРҲ

# ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ БЎЛМАСА,

иқтисодий фаоллик пасайиб, ишсизлик кўпаяди



Авазбек УРИНБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

— Ишлаб чиқариш жараёни бор экан, энергия ресурслари унинг асосий омилларидан бири бўлиб қолаверди. Ресурслар нархларининг ошиши ёки пасайиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига бевосита таъсир кўрсатади. Иқтисодий назарияга асосан, бу жараёнда маҳсулот ва хизматлар нархининг ошиши, аҳоли томонидан талабнинг камайиши оқибатда иқтисодий фаоллик пасайиб, ишсизликнинг кўпайишига олиб келади.

Бошқа томондан эса, нархларнинг ўсиши доимо у ёки бу ресурслардан фойдаланиш самарасини оширади. Уларни максимал наф оладиган истеъмолчиларгина сотиб олади, холос. Бундан ташқари, ер қаъридан олинadиган углеводородлар (газ, кўмир, нефть маҳсулотлари) эвазига ишлаб чиқариладиган энергия нархларининг ўсиши мубоқил манбаларининг фойдаланиш даражасини оширади ва истеъмолда рақобатбардош манбага айланишига хизмат қилади. Бунинг устига, иқтисодийнинг ҳар қандай тармоғи сингаги, энергия ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳаси ҳам ўзини ўзи иқтисодий жиҳатдан оқламаसा, ишлаб чиқариш имкониятлари аҳоли ва sanoat эҳтиёжларидан ортада қолаверади.

Президентимизнинг жорий йил 10 июлда қабул қилинган «Иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий тармоқларининг ёқилги-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайитиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эса Ўзбекистоннинг энергия самарадорлигини янги босқичга кўтарилишида зарурий ҳуқуқий кадам бўлди.

Ушбу қарорга асосан, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасини ташкил этилиши белги-ланиб, унга қатор ваколатлар берилмоқда. Хусусан, Жамғармага қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари, иссиқлик насослари, рекуператорлар, реактив қувватни тикловчи қурилмалар (конденсатор батареялари), реле жиомаси учун микропроцессор блоклари, частотали ўзгартиргичлар ва бир текис ишга туришиш қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича стартап-лойиҳаларни молиялаштириш назарда тутилган.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг устав жамғармалари (капиталлари) ҳамда корхоналарнинг лойиҳаларини шакллантиришида иштирок этиш ваколати берилиши ушбу соҳага хусусий секторнинг ҳам кириб келишига имкон беради.

Бундан ташқари, қарорга мувофиқ, 1 августдан электр энергиясини янги ишга тушириладиган қуёш, шамол, биогаз электр станциялари, микро ва кичик гидроэлектр-станциялардан, шу жумладан, ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясини кафолатланган тарзда сотиб олиш бўйича тариф белгиланади. Sanoat қўламинида қайта тикланувчи энергия манбалари (гидроэлектрстанциялардан ташқари) соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун потенциал инвесторларни аниқлаш шаффоф аукцион (танлов) савдолари орқали амалга оширилиши мустаҳкамланади.

Таъкидлаш жоизки, қарорнинг қабул қилиниши монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиб ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилди. Ёқилги-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириб, қайта тикланувчи энергия манбаларини мамлакат иқтисодиятига кенг жорий этади. Иқтисодий тармоқлари, аҳолига электр энергияси ва нефть-газ маҳсулотларининг улусқис этказиб берилишини таъминлаб, атроф-муҳит ифлосланишининг камайиши, электр энергия ишлаб чиқариш манбаларининг диверсификацияланиши, янги тармоқ ва иш ўринларининг яратилишига хизмат қилади.

Биз депутатлар ҳам ушбу қарорда белгилаб берилган вазифалар ижроси назорат-да фаол иштирок этишимиз ҳамда зарур ҳуқуқий асослар яратилишида ташаббускор бўлишимиз лозим. Бу қарор ижросидан қанча фойда эканини бир ўйлаб кўрайлик... Қарор тўлақонли амалга ошмаса, қанча зарар кўришимизни ҳам тасаввур қилиб кўрайлик. Ушунда қарор аҳамиятини муносиб баҳолайлик.

Назира МАТЯҚУБОВ, «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўргоги Кенгеси депутати.

МУЛОҲАЗА

# УМИДБАХШ СЎЗ ҚУДРАТИ

## Ёки ёлғоннинг касофати ҳақида

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, одамларни нобуд қиладиган юқумли, хавфли касалликлар билан боғлиқ ниҳоятда оғир ҳолатлар кўп бор юз берганига гувоҳ бўламиз. У замонларда тиббиёт ривожланмагани бос ўлим ҳолатлари анча юқори бўлган. Халқ эса буни Оллоҳнинг иродаси деб қабул қилган ва сабр, оғир-босиқлик билан иш тутган. Шу боисдан ҳам инсоният авлоди давом этиб, бугун ер юзидан бир неча миллиардлаб аҳоли ҳаёт кечирмоқда.

Афсуски, шундай оғир кунлар бизнинг замонимизда ҳам бор экан. Бугун коронавирус билан боғлиқ вазият жиддийлигини кўриб, билиб турибмиз. Бироқ, юртимизда бу бало-офатнинг аҳоли орасида кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш, ундан имкон қадар талофатларсиз чиқиш мақсадида барча чоралар қурилмоқда. Бу масала бевосита давлатимиз раҳбари назоратида. Мамлакатимизда кўшни ва дунёдаги бошқа мамлакатларга қараганда касалликдан соғайиш фоида катта эканлиги, ўлим ҳолатларининг бошқа мамлакатлардагига нисбатан камлиги шу саъй-ҳаракатларнинг натижасидир.

Лекин бундай оғир эпидемиологик ҳолатлардан, айниқса, бедаво бўлиб турган касаллик эпидемиясидан талофатларсиз, мутлақо қурбонларсиз ўтиш мумкин эмас. Тарихдаги ҳар қандай эпидемия оқибатлари буни кўрсатиб турибди.

Шунинг учун ҳам бу жараёндаги ҳолат ва вазиятларни бошқача талқин қилиш, бўрттириш, илм-фанда исботланмаган хулосаларни тарқатиш, кимнидир айблаш, бир сўз билан айтганда, нохолис ахборот одамларда ваҳима, умидсизлик, ҳаётдан норозилик кайфиятини уйғотади, соғлом одамни касал қилади, касални оғирлаштиради. Бирор яқинини йўқотган одам учун эса ўлганнинг устига тепгандай бўлади.

Шундай экан, ҳозирги синови кунларда айниқса биз — одамларга газета-журналлар, радио-телевидение, ижтимоий тармоқлар орқали ахборот тарқатаётган соҳа вакилларидан ҳар қачонгидан-да масъулиятроқ, мулоҳазалироқ, босиқроқ бўлиш талаб этилади. Шунинг ҳам айтиш кераки, ҳамкасбаримизнинг бугунги таҳлилий ва асосли танқидий чиқишлари натижасида қатор хато ва камчиликлар бартараф этилмоқда. Аммо баъзида ҳис-ҳаяжонга берилиб сўз айтиш

ҳолатлари ҳам учрамоқда. Айрим ижтимоий тармоқларда ўлмаган одамларни ўлдига чиқариш ҳолатлари ҳам бўлди. Афсуски, ҳозир ҳис-ҳаяжонга берилишнинг мавриди эмас. Зеро, бугун оддий халқ оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар, блогерларнинг озгина қараб турибди. Биз тарқатаётган ҳар бир ахборотга улар ишонди, нафақат ишонди, балки шунга қараб ўз хатти-ҳаракатларини белгилайди. Бу орқали ижтимоий фикр шаклланади. Ижтимоий фикр эса жамият барқарорлигининг асосидир.

Халқимиз учун ҳозир нима муҳим? Касалликни, пандемияни енгиш, олдинги соғийишга ҳаётга қайтиш. Инсонни нима ҳаётга қайтаради? Умидбахш сўз. Биз бугун ана шу умидбахш сўзни топиб, одамларга айта олишимиз керак.

Бизнинг халқимиз азалдан юксак ақл-идроқли, тафаккури кучли халқ. Қуринган душманини кучи, кўрминганини илми-тафаккури билан енган. Биз эса шу донишманд, сабр-матонатли халқимизга холис ва керакли сўзи айта олишимиз зарур.

Назира МАТЯҚУБОВ, «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўргоги Кенгеси депутати.







Самарқанд ҳақиқатан ҳам китобга ўхшайди, ҳудудий жиҳатдан у жуда улкан шаҳар эмас, лекин ҳудди китобдек мазмунли, сирли, сеҳрли.

# МИРЗО УЛУҒБЕК МАДРАСАИ ОЛИЯСИ ВОРИСИ



**Менинг мўтабар ота-онам ўтган асрнинг 50-йилларида Самарқанд давлат университетига тахсил олишган. Ўн кунлик чақалоқлигимда улар давлат имтиҳонларини топширишган. Университет бош биносининг ёнида ижарада туришган. Ўшанда мактаб ўқувчиси бўлган аммачам ҳар уч соатда мени эмизishi учун аямнинг олдига олиб борар экан...**

тасавури алдамаган, Самарқанд ҳақиқатан ҳам китобга ўхшайди, ҳудудий жиҳатдан у жуда улкан шаҳар эмас, лекин ҳудди китобдек мазмунли, сирли, сеҳрли. Бу муқаддас "китоб"нинг ҳар бир саҳифасини, ҳар бир сўзини эмас, балки ҳар бир ҳарфини кўзга суртнинг келади... Кейинчалик бири-биридан гўзал ва кўркам кўп шаҳарларда бўлдим. Қайсида гул ҳидини, яна бошқасида сут ҳидини, ёмғир ёки денгиз ҳидини туйганман. Лекин китобнинг ҳиди фақат Самарқандда, китобни эслашадиган шу табарруқ маконда бор. Бу китобнинг эса ҳали ўқилмаган, биз ўқий олмаётган, яна қанча сирли

ҳаяжонландим. Тамаддун дарёси ҳамон оқмоқда раво" сарлаҳали макрла эса бир ҳаяжонимга минг ҳаяжон қўшди. Газета муҳбири билан сўхбатда университет ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Р.Холмуродов: "... Университетимизнинг бир географик ҳудудда жойлашуви, тарихий-меъморий иншоотлар, асрлар оша бизгача етиб келган кўлэмалар, нодир асарлар, маънавий муҳит, аънавалари, кадрларига кўра Самарқандда 1420 йилдан иш бошлаган Мирзо Улуғбек мадрасаси олиясининг вориси экани ойдинлашди. Бу юртимиз тарихида фаолият кўрсатган

фарзандлик бурчимиздир. Зеро, инсон тафаккур тарзи ва маънавияти халқ тарихи, маданий меросининг аҳамиятини ҳолисона билиш, улардан оқилна фойдаланишда намоён бўлади. Аслида жамият тараққиёти илмий жиҳатдан асосланган гоғлар, қарашларнинг шаклланиши, ривожланиши ҳамда ҳаётга татбиқ этилишида, давр синовларидан ўтиб янада такомиллашиб боришида кўринади. Ўз миллий-маънавий кадрларини, тарихий меросидан бебаҳра ва бебабар бўлган халқларда ўтмиш ҳақидаги аниқ тасаввур ҳам, келажакка қаратилган муайян орау-умид ҳам, бу йўлда бирдамлик билан кураш

Тарихшунос Р.Бойтуллаевнинг самарқандлик хатто Абу Саид Маҳзум ҳақидаги "Аждодлар меросини урганиб" сарлаҳали мақоласида шундай сатрлар бор эди: "У тахминан 19 асрнинг 60-йилларида Самарқанднинг Заргар ва Хатотлар маҳалласида замонасининг энг ўқимшли кишиларидан бири – Шайбонийхон мадрасасининг бош мударриси Мулла Абдуқаюм қози бинни Мулла Абдурашид хонадонидан таваллуғ топди. Абу Саид Маҳзумнинг отаси тарих, математика, астрономия, география ва бошқа фанларни яхши билган олим ва айни чоғда моҳир хатто ҳам эди. Унинг нодир кўлэма китоблардан иборат катта кутубхонаси бўлган".

Тарих, математика, астрономия, география ва бошқа фанларни яхши билган олимларни, улуғ аждодларимизни яхши билмаслигимиз бизнинг айбимиз. Юқоридаги лавҳа қадимий Самарқанднинг шарафли мадрасаси олияларидан бири ҳақидаги кичик маълумот. Айнан шу кичик маълумотлардан бизнинг улкан тарихимиз қад кўтаради. Бу қимматли битиклардан англашладик, кўна кент мадрасалари ҳамма замонларда ҳам диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанлардан сабоқ берадиган нуфузли олий даргоҳ бўлган.

Тарихий ҳақиқат юзага чиқиб, Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасаси олиясининг вориси сифатида эътироф этилиши нафақат мақрулий олий даргоҳ жамоаси учун, балки республикамиздаги барча илм ахли учун ҳам шарафдир. Усиб келатган ёш авлод бу шарафдан гурурланиб, улуғ ватандошларининг азиз номларига муносиб, баркамол инсонлар бўлиб улғайишлари, шавкатли аждодлари каби ватан номини шон-шухратга буркашлари шарт.

"Тамаддун дарёси ҳамон оқмоқда раво" мақоласини ўқиб, менга ота қадрдон, она қадрдон, не-не буюк алломаларга бешик бўлган, нур ичра чулганган Самарқанд давлат университетининг тарихшунос олимлар ва халқаро экспертлар томонидан Мирзо Улуғбек мадрасаси олиясининг вориси деб тан олинганлиги ҳақидаги хушхабарни кўриб, менинг ҳавлимдан ифтихор ила қоришқ шундай мунаввар ва азиз тугёнлар ўтди...

Хулқар ҲАМРОЕВА, филология фанлари номзоди.



саҳифалари бўлса керак... Ҳозир ҳам Самарқандни, самарқандликларни соғинсам, димоғимга ўша қадрдон ҳид келгандай бўлади. Куни кеча "Халқ сўзи" газетасида "Тарихчи олимлар, илм-фан намояндалари, халқаро экспертлар бугунги кунда фаолият юритаётган Самарқанд давлат университети тамал тоши ўрта асрларда қўйилган Мирзо Улуғбек мадрасаси олиясининг вориси эканини қайд этмоқдалар", деган хушхабарни ўқиб нияоятда

олий мадрасалар бугунги кундаги олий таълим даргоҳларининг "аждоди" эди, деган фикри беради", дейди. Очиги, халқаро муносабатларда Ватанимиз мавқеи кун сайин юксалиб бораётган даврда илмий-тарихий жиҳатдан асосланган бу фикр бизнинг маърифатсевар халқимиз учун миллий гуруру ва буюк ифтихордир. Ватанимизнинг тарихини билиш, чуқур ўрганиш ва одилона муносабат билдириш бизнинг нафақат муҳим вазифамиз, балки

олиб бориш иштиғи ҳам бўлмайди. Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек мадрасаси олиясининг вориси сифатида эътироф этилиши ҳам "илғари ёлпқ бўлган тарихий фактлар"имизнинг ёруғликка чиқайтганини, тарихий ҳақиқат қарор топганини билдиради. Олий даргоҳда бу борада анча йиллардан бери изланишлар олиб борилганлигидан дунё ҳамжамияти ва республикамиз илм ахли яхши хабардор.

## Тошкентда «Фолксваген» автомобиллари савдоси бошланади

Тошкентда «Фолксваген Кедди» автомобиллари онлайн тақдими ўтказилди. Тақдимида «Ўзавтосаноат» АЖ бошқаруви раиси Шавкат Умрзоқов нияят «Ўзавтосаноат» ва «Фолксваген» компаниялари ўртасида келишув имзолангани автомобил бозоримизнинг катта салоҳияти ва мамлакатимизда кулай инвестицион муҳит яратилаётганидан дарак беришни таъкидлади. Шунингдек, бу ҳамкорлик мамлакатимизда ишлаб чиқариш маданиятини оширишга, сифат, сотув ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш тизимини янги бошқича кўтаришга имкон беришини айтди. Таъкидланишича, лойиҳанинг илк босқичида автомобиль бозорига ҳали тўлиқ ўзлаштирилмаган енгил тижорат автомобиллари сегменти ажратиб олинган. Ушбу модель йўловчи ва юк ташув учун мўлжалланган модификацияларда тақдим қилинмоқда. Улар нафақат бизнес, балки оилавий фойдаланиш учун ҳам қўлай. Мавжуд талабни ҳисобга олган ҳолда, ушбу моделлар орқали фақатгина ўзлаштирилмаган сегментни эгаллабгина қолмай, балки харидорларга тез тиббий ёрдам машиналари, мобил музлаткичлар, инкассация ва бошқа турдаги махсус транспорт воситаларини етказиб бериш имконияти ҳам бўлади. Автомобилнинг бошланғич нархи 172,1 миллион сўмдан бошланади. Автомобиль уч кўришида тақлиф қилинмоқда Cargo (юк учун) – 172,1 миллион сўм, Kombi (аралаш) – 190 миллион сўм, Trendline (йўловчи учун) – 221,9 миллион сўм. Савдолар бугун куннинг иккинчи ярмидан бошланади. Ҳозирча автомобилларни фақат Тошкент шаҳридаги "Volkswagen" автосалонидан ва компания сайтдан сотиб олиш мумкин.

## КАРАНТИН ДАВРИДА ХОДИМЛАРНИ МАСОФАВИЙ ИШ УСУЛИДА ИШЛАШГА ЎТКАЗИШНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ

**МАСОФАДАН ИШ -** ходимнинг меҳнат мажбуриятларини иш берувчининг жойлашган ҳудудидан ташқарида, бевосита ёки билвосита назоратида бўлган доимий иш жойи, ҳудуд ёки объектдан ташқарида бажариладиган иш усулидир

**Карантин даврида иш берувчи ходимнинг розилиги билан уни масофавий иш усулида ишлашга ўтказиши мумкин**

**Масофавий ишга вақтинчалик ўтказишда бу ҳақда мuddати кўрсатилган буйруқ чиқарилади**

Бунда ушбу ҳуқуқдан биринчи навбатда **ҳомилалар аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва сурункали касалликларга чалинган ходимлар** фойдаланади

**Ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш куйидагича амалга оширилади:**

- соатбай асосида** — ходимнинг масофавий ишга ўтказилгунга қадар белгиланган тариф ставкаси (лавозим оклади)дан келиб чиққан ҳолда
- ишбай асосида** — ўрнатилган нархлардан келиб чиққан ҳолда

**Ходимларнинг куйидаги ҳуқуқлари сақлаб қолинади**

- меҳнат таътили
- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик буйича нафақа олиш
- конун ҳужжатлари ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлари

**Масофавий ишга ўтказиш юзасидан меҳнат шартномасига киритиладиган ўзгаришда, меҳнатнинг бошқа шартлари билан бирга куйидагилар ҳам кўрсатилади:**

- электрон ҳужжат алмашинуви буйича ўзаро алоқа тартиби
- ходимга иш учун зарур бўлган жиҳозлар, техника воситаларидан фойдаланиш тартиби
- ходимни алоқа воситалари билан таъминлаш, Интернет тармоғидан фойдаланиш
- ходимга иш берувчи томонидан зарарин қоплаш буйича шартлар
- ходим шахсий жиҳоз, техника воситаларидан, Интернетдан фойдаланганда харажатларни қоплаш тартиби
- ходим ва иш берувчининг зарурий меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шартномага амал қилиш буйича мажбуриятлари
- ишлаб чиқариш зарурияти туғилганда ходимни доимий ишга ўтказиш шартлари

**МАНБА:** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг буйруғи (рўйхат рақами 3228, 28.03.2020 й.) @huquqiyaxborot

## Б ИЛАСИЗМИ?

**Сифатсиз дори сотиш жавобгарликка сабаб бўлади**



Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг гайриконуний нусхаларини харид қилиш, чакана реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади. Дорихоналар дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ноҳўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлигини белгиланган тартибда ёзма шаклда хабардор қилиш шарт. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташвиш ёки ўтказиш, шунингдек, дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Жумладан, Жиноят кодексида кўра, ушбу жиноят учун жиноятнинг оғирлик даражасига қараб 22 млн. 300 миң сўм жаримадан бошлаб 15 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо белгиланиши мумкин.

**Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси кимларга 100 фоиз тўланади?**



Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъи назар, иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда куйидагиларга тўланади. — ишлаётган 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига; — байналминал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга; — қарамонда 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга; — Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга; — Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (тўқир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рақ) ва хавфли усмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга; — меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга. Шунингдек, Президентнинг тегишли Фармонида асосан, коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўзини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлари), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвартиш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.

**Ўқитувчиларнинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик белгиланди**



Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Қонун (ЎРҚ-629-сон, 21.07.2020 й.) Президент томонидан имзоланди. Қонун билан катор қонунлар ва кодексларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекс 197- модда билан тўлдирилди. Унга кўра, таълим муассасалари педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиб ёки таълим муассасаси педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришга тўсиқлик қилиш жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланди. Бундай ҳуқуқбузарлик учун: — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМнинг) 5 бараваридан 7 бараваригача (1 млн 115 миң сўмдан 1 млн 561 миң сўмгача); — мансабдор шахсларга эса БҲМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорда (1 млн. 561 миң сўмдан 2 млн. 230 миң сўмгача) жарима қўлланилади. Шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганда кейин бир йил давомида такроран содир этилса: — фуқароларга БҲМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача (1 млн. 561 миң сўмдан 2 млн. 230 миң сўмгача); — мансабдор шахсларга эса БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда (2 млн. 230 миң сўмдан 3 млн. 345 миң сўмгача) жарима қўлланиши мумкин. Ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилганда таълим муассасасининг педагог ходими маъмурий бевнома тузмадан ўз вазисида ҳуқуқбузарнинг шахси, ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг моҳияти тўғрисидаги маълумотларни ҳамда бошқа зарур бўлган маълумотларни қўрсатган ҳолда судга мууроаат қилиш ҳуқуқига эга. Ақлия вазирлигининг телеграмдаги "Huquqiy axborot" канали.



# Хар ким ўз ишини қилиши керак.

## СЎЗИМИЗ – БИЗНИНГ ЮЗИМИЗ

# МАСЛАХАТЧИ МУСАХҲИХ ЭМАС



**Ҳеч бир мезбон ўз уйига келган меҳмонга хом-хатала, чала пишган, бемаза таомни қўймайди. Нега?! Чунки у меҳмонидан уялади. Номус қилади. Шунинг учун меҳмон келганда, ҳатто «йўқни бор» қилади. Давлат тилида чала-ярим, сифатсиз матн, хат-хужжат тайёрлашдан ҳам шу тахлит уялишимиз керак.**

Сўзимиз – бизнинг юзимиз. Хатимиз эса бамисоли қўзғу. У улагимизни, бору йўғимизни акс эттириб туради. Ўйлаб қарасак, ўзбек тили дунёнинг энг бой тилларидан бири эканини англаймиз. Аммо баъзи бирларимиз нутқимизда, сўзимизда унинг бу имкониятларидан фойдаланмаймиз. Аксинча, «борни йўқ» қилиб кўрсатамиз.

Ўзбек тилининг давлат ва жамяят ҳаётидаги мавқеини янада ошириш, «Давлат тили ҳақида»ги қонуни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида Президентимиз томонидан 2019 йил 21 октябрда «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Энг қувонарлиси, 21 октябрда Ўзбекистонда «Ўзбек тили байрами кун» деб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги қарори билан Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривож-

лантириш департаменти тузилди ва барча давлат органлари, вазирликлар ва уларга тенглаштирилган ташкилотларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими ташкил этилди.


Шунинг натижаси ўлароқ, ҳозирги кунда республикамиздаги вазирлик, идора ва ташкилотларда раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилишни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритмоқда.

Бу ташаббус юртимизда давлат тилининг нуфузини ошириш, уни ривожлантириш мақсади йўлидаги муҳим қарорлардан бири бўлди. Бир қарашда бизнинг вазифамиз оддийдек кўринади. Аммо зиммамизга юклатилган вазифалар қанчалик муҳим ва улканлигини бу лавозим даражаси бежизга раҳбар ўринбосари мақомига тенглаштирилмаганидан ҳам билиб ола оламиз.

Мамлакатимизда давлат тилини ривожлантиришга жиддий эътибор берилганлиги бу борада тарихий ишларга қўл урилатгани ҳам маслаҳатчиларнинг зиммасига юкланган вазифа негачлик масъулиятли эканини кўрсатади. Бу вазифа шу қадар залворлики, вазирлик, идора ва ташкилотда фаолият юритаётган маслаҳатчи шу юқини чуқур ҳис қилган ҳолда, ўз иш жойида давлат тили сиёсатини амалга изчил татбиқ этилишини таъминлаши, уни мониторинг ва назорат қилиши, давлат тилида иш юритишнинг оқилона усул ва чораларини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатиши зарур.

Жумладан, маслаҳатчи қуйидаги вазифаларни амалга ошириши талаб этилади:

- мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;
- давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг олиниши;
- мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;
- давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий иқро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил



қилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

– давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

– ўзбек тилининг ёзма нутқи метёр ва қондаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

– давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқа ташкилий ишларда фаол иштирок этиш.

Айтиш кераки, бу лавозимга тайинланган маслаҳатчилар бор куч-имкониятини ишга солиб, ўзига белгилаган вазифаларни баҳоли қудрат бажариб келаяпти. Аммо муаммо шундаки, улар ишлаётган жамоаларда аксар ҳолатларда маслаҳатчиларга «корректор», яъни «мусахҳиҳ» сифатида қаралимоқда.

Аслида – бу шараф (!). Чунки сизга хатоларни тўғриловчи, тузатувчи сифатда муносабатда бўлиш – ишончинг юксак намунаси. Бироқ ҳайҳотдай идорада ҳамма ўз билганича ёзаверса, ўз устимда ишлаб, имкон қадар тайёрлаётган ҳужжатларимнинг хатосини ўзим бартараф этай, кейин корректорга кўрсатай, демаса, аксинча, ойлигини оляптими, хатоларни тузатсин-да, унинг

вазифаси хатоларни тузатиш қабилида тайёрлаган ҳужжатини имломи, тиниши, услубийми ва яна бошқа хатолари билан унинг столига олиб келиб ташласа... Ишинг шу, мана шуларни тузат дегандай... Йўқ, ҳар ким ўз ишини қилиши керак.

Муносабат шу тахлит давом этаверса, маслаҳатчи «мусахҳиҳ»ликдан бўшамай, идорада давлат тилини ривожлантириш билан боғлиқ ислохотлар маромига етмай қолиши аниқ. Бугун давлат тилида иш юритиш, давлат тилини ривожлантиришда фаоллик кўрсатиш, ушбу тадбирларда бевоқиф иштирок этиш нафақат маслаҳатчилар, филолог мутахассислар, шоир ва адиблар, балки ҳар бир фуқаро, ҳар бир хизматчи, ҳар бир ходимнинг вазифаларидан бўлиши керак.

Авалло, идорада ишлаётган ҳар бир ходим ўз олдига савол қўйиши керак. Хўш, мен бугун ўз шахсий иш фаолиятимни давлат тили талабларига мувофиқ ташкил қилиялманми?

Шу саволга жавоб бериш асосида, у ўзи тайёрлаган хат-хужжатига танқидий руҳда назар солиши, ундаги хатоларни маслаҳатчи тахририга киритишдан олдин имкон қадар ўзи тузатиши, бу борада давлат тилига оид билимларини эътиборга олиши, ана унда кейин мутахассис эътиборига ҳавола этиши лозим. Маслаҳатчи ҳам, ўз навабатида, ходим томонидан тайёрланган матн-

ларни диққат билан кўздан кечириши, унинг йўл қўйган хатоларини тузатиши, керакли йўл-йўриқ бериши, бир сўз билан айтганда, барча мутахассис давлат тилида иш юритиш йўлида бир ёқадан бош чиқариб, ўзаро яқин жамоа бўлган ҳолда, ўз устида ишлаши ва биргаликда самарали натижага эришиши керак.

Шундай экан, бугун биз давлат тилига ҳурматини ҳар қадамда, ҳар нафасда ҳис қилиб яшашимиз, ишлашимиз лозим. Айниқса, бу борада идораларда фаолият юритаётган ҳар бир ходим эгаллаб турган вазифасидан қатъи назар, аввало, давлат тилига эҳтиром билан муносабатда бўлиши, иккинчидан, давлат тилида иш юритиши, бунинг учун эса мунтазам равишда ўз устида ишлаши, мутахассислардан ўқиб-ўрганишни одатий машғулота айлантириши зарур.

Ўзимиз чиройли сўзласак, маданиятчи бўлсак, ёзган ёзувларимизнинг гузаллиги-ю хатосизлигиндан нафақат атрофдагилар, аввало, фарзандларимиз хайратга тушиб, қандай яхши. Шубҳасизки, улар ҳам худди шу йўлдан қадам ташлайдилар, бизга ҳавас қилдилар...

Ҳа, бошқача айтганда, ҳар биримиз «мусахҳиҳ»лик қилиш даражасида бўлишимиз зарур.

**Баҳодир ВАЛИЕВ,**  
Фавқулодда вазиятлар вазири маслаҳатчиси.

## ИИБ ХАБАРЛАРИ

### «ЎРГАНГАН КЎНГИЛ»



Ишонасизми, йўқми, кўппа-кундизи 28 ёшли О.О. Чирчиқ шаҳар кўчалардан бирида ён томон эшикларини очиб ҳолатда турган, ўзига олдиндан таниш бўлган 20 ёшли С.У. га тегишли «Spark» русумли автомобилнинг ҳайдовчининг кўз ўнгига талончилик йўли билан олиб қочиб кетган.

Тезкор-қидирув ҳаракатлари натижасида О.О. олиб қочган «Spark» русумли машина Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳудудида ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Чирчиқ шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 267-моддаси 1-қисми (транспорт воситасини олиб қочиш) билан жиноят иши қўзғатилган.

Тергов ҳаракатлари натижасига кўра, О.О. га нисбатан айблов эълон қилиниб, «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўйилган. Жиноят иши айблов ҳужжати билан мазмунан қўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судига юборилган.

Ўрганган кўнгили ўртанса ҳам қўймак, деганларидек, О.О. муқаддам ҳам кўп бор судланган, лекин ҳулоса чиқариб олмаган.

### КАРАНТИНДАГИ ҚИМОРХОНА



Бўжа тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида 51 ёшли А.Т. ўзига тегишли Бўжа тумани Тошлоқ МФЙда жойлашган савдо мажмуасида 5 нафар шахсга қўнғунга хилоф равишда қиморхона учун шартин яратиб берган. Ўтказилган тезкор тадбир давомида қиморбоз ва қиморхона эгасига тааллуқли пул маблағлари ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олинган.

Ҳолат юзасидан Бўжа тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. А.Н. тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

### БЕЗОРИЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛДИ



Хонобод шаҳар Кампировот МФЙда яшовчи 36 ёшли О.М. ёнга етмаган фарзанди, 16 ёшли А.Н. билан бир неча нафар тенгдошлари уришмоқчи эканлигини эшитиб, жанжалнинг олдини олиш ўрнига уларни бир-бирига лаж-лжлайди. Оқибатда ўзи ҳам жанжалга қўшилиб, ўғлининг тенгдошларини уриб, тан жароҳати етказди.

Мазкур ҳолат юзасидан Хонобод шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисми (безорилик) билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, безорилик бошида турганлар ҳамда уларнинг 14 нафар тарафдорларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддалари билан маъмурий бевномалик расмийлаштирилган.

Нилуфар ТўРАХОНОВА,  
ИИБ Ахборот хизмати ходими,  
лейтенант.

Мадийров Азизбек Камилевич номига 2008 йилда Москва шаҳрида, «Россия халқлар дўстлиги» университети Олий касбий таълим давлат муассасаси томонидан берилган ДИМ 0010849 рақамли магистрат дипломига Ўзбекистон Республикаси Давлат тешт маркази томонидан берилган сертификат йўқлигини сабабли БЕКОР ҚИЛНАДИ.

**ДИҚҚАТ!**  
Газетанинг 2020 йил 15 июль кундаги 25-сонли нашрида «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTION SAVDO» МЧК томонидан берилган эълон матнидаги «NBU INVEST GROUP» АЖН «ROYAL SILK» МЧК ва «NAM TEX» МЧК Устав фондидаги 100% улушлари бўйича берилган эълон матнидаги савдо шартлариде қўрсатилган сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш мuddати, яъни «7 (етти) йил» сўзлари «5 (беш) йил» сўзлари билан алмаштириб ўқилинган. **Гувоҳнома № 005357**

Тошкент давлат шарҳунолик университети жамоаси Хитой филологияси кафедраси доценти, сийсий фанлар номзоди **Исматулла БЕКМУРАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

## ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

# ҚАДИМ ДЕНОВНИНГ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

### одамлар кўнгида ҳам ўзгариш бўлмоқда



**Сурхондарё вилоят маркази Термиздан 150 километр олдига жойлашган Денов тумани ҳудудида сўнги уч йилда амалга оширилган ислохотларни одамлар тарихий ишлар, деб таърифлашмоқда. Айниқса, савдо-сотик, хунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик билан бир қаторда саноат, ишлаб чиқариш, кичик бизнес, қурилиш ва бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.**

Ободлик кўнгида бошланади. Кўнги обод инсон ўз жорий йилнинг гулу гулзоро, боғу бўстонга айлантиради. Бугун Деновда бўлган киши бунга ишонч ҳосил қилиши табиий. Қадим юрда кўнгли обод, бунёдкор одамлар яшамоқда, меҳнат қилмоқда, келажак пайдоворини қўймоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 17 октябрда Сурхондарёга ташрифи чоғида Денов туманида бўлиб, ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шунга асосан, жорий йилнинг 9 апрелида давлатимиз раҳбарининг «2020-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Хўш, қарор ижросини таъминлаш борасида ҳудудда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шу мақсадда мутасаддилар, фаоллар ва юрдошларимиз билан суҳбатлашдик.

**Бахтиёр ИБАТОВ,**  
Денов тумани ҳокими:  
– Ҳозирги кунда туманда 386 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шўрчи, Олтинсой, Сарисийё ва Узун туманлари аҳолиси ҳам савдо юмушлари билан туманимизга келади. Бир сўз билан айтганда, ҳудуд азалдан ўзига хос марказ ҳисобланган. Бу эса ижтимоий, маданий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни келтириб чиқаргани ҳақиқат. Масалан, турли иншоотларнинг пала-партиш қурилгани транспорт ва йўловчилар ҳаракатида қийинчилиكنи юзага келтирарди. Айни чоғда шаҳар қиёфасини ҳам бузиб турарди.

Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжат 7 банд ва 16 йўналишдан иборат бўлиб, уч йилда 505 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, саноат соҳасида 51, хизмат кўрсатишда 46, қишлоқ хўжалигида 50, йўл-транспорт бўйича 67, ичимлик суви ва канализация

тармоғига доир 11, электр энергия тизимида 105, газ таъминоти бўйича 22 лойиҳа амалга оширилди. Бундан ташқари, ахборот-коммуникация, мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, ободонлаштириш, қўл қаватли уй-жойлар қуриш, истиқомат каби йўналишларда 140 га яқин лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинади. Шу билан бир қаторда, деҳқон бозори ва унинг атрофидаги хизмат кўрсатиш объекти, йирик саноат корхоналари, марказий жомеъ масжиди туман марказидан қўчирилиб, замонавий қўл қаватли уй-жойлар, қўрқам савдо ва ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда «аклли бекат»лар қуриш кўзда тутилган. Бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига 3 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Бу эзгу мақсадлар ўз вақтида беками-кўст амалга оширилиши учун ишга қатъий киришганимиз.

**Юсуп ЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ХДП фаоли:  
– Туманимиздаги меъморий ёдгорликлар, бетакор осори-атиқалар, ноёб мадрасаю хонақоҳлар нафақат маҳаллий аҳоли, балки хоржилик сайёҳларини ҳам мафтун этиб келмоқда. Асрлардан сўзлагувчи ана шундай мажмуалардан бири Саид Оталик мадрасасидир.

Сангардак ва Сурхон дарёси оралиғида жойлашган бу мадраса XVI асрда бунёд этилган. Икки қаватли мажмуада 114 та хужра бўлиб, меъморий қурилиши, шакли ҳамда бетакор қўриниши билан вилоятда ягона ҳисобланади. Бухородаги Кўкалдош ва Мир Араб мадрасаларига ўхшаб кетадиган обиданинг пойдевори 5,5 метр бўлиб, пишиқ гишлар ўзига хос усулда терилган. Ўз даврида мадрасада 400 га яқин илму толиб тахсил олган.

Нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ҳам машҳур бўлган илм маскани тоталир тузуми даврида ёниб ташланганди. Мустақиллик шарофати билан атрофи ободонлаштирилган бўлсада, қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш зарурати юзага келганди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Саид Оталик мадраса мажмуаси ҳамда Ҳожа Алоуддин Аттор меъморий обидаси таъмирланган бўлди.

**Бахтиёр АХРОРОВ,**  
Денов туманидаги 4-касб-хунар коллежи директори, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:  
– Денов тумани 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган бўлиб, ўшанда 15 минг нафарга яқин аҳоли

яшаган. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич қарийб 390 мингга ташкил қилинмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиладиган бўлсам, ўтган асрнинг бошларида қурилган Денов деҳқон (озик-овқат) бозори бугунги кун талабига жавоб беролмай қолганди. Йўллар атрофида ноқонуний автоурағоҳлар ташкил қилинган тирбандликни келтириб чиқарган. Халқимиз ёгин-сочинли кунларда қўлмак сув кечган бўлса, ёзинг чилласидаги чанг ва губорлар дилни ҳуфтон қиларди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида яқинда «Номозгоҳ» маҳалласи ҳудудида замонавий бозор фойдаланишга топширилди. Янги мажмуада 1300 ўринли савдо растаси ва 43 савдо дўкони қурилган бўлиб, харидор ва сотувчилар учун барча зарур шaroитлар яратилган. Автоурағоҳлар ишлаб турибди. Бундай хайрли ва эзгу ишлар халқимизнинг турмуш шароитини янада яхшилашга ишонаман.

**Абдурахмон МАРДОНОВ,**  
Денов туманидаги 5-мактаб директори,  
Ўзбекистон ХДП фаоли:  
– Тор жойда томоша, деганларидек аввалги бозорни кенгайтириш имкони йўқ эди. Шунинг учун айрим тадбиркор ва деҳқонлар «Қизилсув» дарёси кўпригининг устида, йўлақларда, шаҳобчалар рўпарасида савдо қилишга мажбур бўлган. Натижада, кўчалар, ариқлар, бино ва иншоотлар рўпарасида чикинди уюмлари тўпналиб қоларди. «Қизилсув» дарёси устидан ўтувчи «Тулстон» ва «Лопазор» маҳаллаларини боғлайдиган янги кўприк қурилиши бошланди. Бу нафақат деновликлар, балки, Олтинсой, Сарисийё ва Узун туманлари аҳолиси учун айни муддао бўлди, деб биламан. Яқин келажакда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган «4р-108» Денов айланма йўли ва «М-41» «Бишкек-Термиз-Душанбе» автомобиль йўли ҳам тараққиёт ва ривожланишга хизмат қилади.

**Ҳасан МИРЗАЕВ,**  
Ўзбекистон ХДП Денов туман Кенгаши раиси:  
– Туманимизда олиб борилаётган бу ишлардан аввало партияимиз электорати кўпроқ манфаат кўради. Ҳозирги бунёдкорликлар ва яратилаётган савдо, маиший хизмат тармоқлари бандлик муаммоси ечимига хизмат қилади. Уй-жойлар қўп қуриلسа, арзонлашади, уйли бўлиш имкониятини кенгайтиради. Деновнинг қиёфаси ўзгарса, одамларнинг кўнгида ҳам ўзгариш бўлади, албатта. Бу ўзгаришнинг аҳамияти катта, қадри баянда.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



**ХИСОБЛАГИЧНИНГ ХИЗМАТ МУДДАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН САНАДАН БОШЛАБ 15 ЙИЛНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.**



**АҚЛЛИ ХИСОБЛАГИЧЛАР**

**истеъмолчининг ёқилги сарфини юқори аниқлик билан ўлчайди, реал вақт режимида маълумотларни узатади**

Сир эмаски, коммунал тўловларни амалга оширишда истеъмолчи билан таъминотчи ўртасидаги келишмовчиликлар, ҳисоблагичлар билан компьютердаги ҳисоб-китобларнинг ҳамма вақт ҳам тўри келавермаслиги жуда кўп асаббузарликларни келтириб чиқарди. Ҳозирга келиб, бу тизим бир қадар тартибга солингандай бўлди, лекин барибир барча муаммолар бартараф этилмаган, ўз ечимини кутиб турибди.

Муаммо эса, аввало, мамлакатда газ истеъмоли ва ҳисобга олишни назорат қилувчи замонавий маълумотларни йиғиш учун ягона бошқарув тизими йўқлигида намойён бўлмоқда. Бугунги кунда республика газ истеъмолчиларининг ўртача 70 фоизиди газ ҳисоблагичлари ўрнатилган бўлиб, уларнинг аксарияти 10 йилдан ортиқ вақт давомида ишлатилиб келинади. Ҳозир фойдаланишдаги ҳисоблагичларнинг маънан ва жисмонан эскиргани сабабли уларнинг аниқлик даражаси, яъни рухсат этилган ҳатолик кўрсаткич-

лари белгиланган меъёрлардан анча юқори бўлмоқда.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда ҳисоб-китобларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Иқтисодиёт ва аҳолини энергия манбалари билан барқарор таъминлаш, нефть ва газ саноатини бошқариш тизимини молиявий соғломлаштириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан «Худудгазтаъминот» АЖ зиммасига 2021 йил якунига қадар барча тоифадаги истеъмолчилар учун табиий газни бошқариш ва ҳисобга олишининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш вазифаси юклатилди.

Ҳозирги кунда «Худудгаз Пойтахт» газ таъминоти филиали томонидан аҳоли хонадонларига мазкур ҳисоблагичларни босқичма-босқич ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Маълумот ўрнида: жамоият тасарруфидидаги 11 та туман газ

филиаллари томонидан жорий йилнинг май ойи давомида жами 8000 тадан ортиқ автоматлаштирилган ҳисоблагичлар ўрнатилди. Июнь ойида эса бу кўрсаткич ундан ҳам ошди.

Соҳа ходимлари хонадонга кириб борар экан, табиийки, истеъмолчиларнинг «ақлли» ҳисоблагичлар билан боғлиқ (афзаллик, қулайлик ва ҳисоб кўрсаткичи қанчалик тўғрилиги) саволлари бўлади. Мисол учун, автоматлаштирилган ҳисоблагичдаги қаралар ва олдидан тўлов қандай амалга оширилиши ҳаммамизга ҳам бирдек қизиқ.

Амалдаги тартибга мувофиқ, истеъмол қилинган «зангори ёқилги» учун тўлов ҳар ойнинг 10-санасигача амалга оширилиши лозимлиги барча истеъмолчилар учун сир эмас. Аммо амалда эса, истеъмол қилинган ёқилги учун ҳаддан зиёд катта қаралар вужудга келган.

Ҳозирги кунда бу муаммони ҳал қилишнинг чораси мавжуд. Айтайлик, истеъмолчи интернет ёки мобиль алоқадан фойдаланмоқчи бўлса, олдидан тўловни амал-

га оширади. Акс ҳолда, у барча хизматлардан маҳрум бўлади ёки бошқача қилиб айтсак, чироқни шунчаки «ўчириб» қўйишади. Ўз фаолиятини ташкил қилган пайдан бошлаб хизмат кўрсатувчи ёки етказиб берувчи «тўлов йўқ, хизмат ҳам йўқ», деган ягона қоидага қатъий амал қиладиган бўлса, муддати ўтган дебитор қарздорлик билан боғлиқ муаммо юзага келмайди.

Табиий газни ҳисобга олишни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини соҳага татбиқ этиш орқали тизимда қарздорлик билан боғлиқ муаммо ва узилишлар вужудга келишининг олди олинади. Йўқотишларни камайтириш ҳамда «зангори ёқилги»дан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари тўғрисида таъминотчини вақтида оғоҳлантирилишига эришилади.

«Ақлли» ҳисоблагичлар истеъмолчининг ёқилги сарфини юқори аниқлик билан ўлчайди, реал вақт режимида маълумотларни узатади, натижада дебитор қарздорлар сони сезиларли даражада камайиб, газни ҳисобга олишнинг билгини тизимдаги кўрсаткичлар ўзгаришига инсон омили таъсири бартараф этилишига олиб келади.

Мазкур газ ҳисоблагичнинг қисқача кафолат мажбуриятлари ҳақида ҳам тўхталадиган бўлсак, бепул сервис хизматининг кафолат муддати 5 йилни ташкил қилади ва ҳисоблагич ишлаб чиқарувчининг сервис маркази томонидан текширилиб, ташқи плomba ўрнатилган санадан бошланади.

Ҳисоблагичнинг хизмат муддати ишлаб чиқарилган санадан бошлаб 15 йилни ташкил этади.

Ҳисоблагичнинг даврий қиёс-ловдан ўтказиш муддати 10 йилни ташкил этади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, табиий газ ҳисоблагичлари ўрнатилиши билан мижоз фақат ҳақиқатда истеъмол қилинган «зангори ёқилги» учун ҳақ тўлайди. Барча харажатлар, шу жумладан, таъмирлаш ва ўлчаш мосламаларини давлат қиёс-лов текширувларидан ўтказиш ишлари ҳам газ таъминоти ташкилотининг маблағлари ҳисобидан қoplanади.

Альбина ЖУМАНОВА,  
«Худудгаз Пойтахт» газ таъминоти филиали матбуот котиби.

**НУРБУЛОҚ ЯНГИЛАНМОҚДА, ГЎЗАЛЛАШМОҚДА**

**Мамлакатимизнинг кўп ҳудудларида бўлгани каби сўнгги йилларда Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани ҳам ҳақиқий қурилиш майдонига айланди. Бунинг натижасида тумanning қиёфаси ўзгармоқда, ишчи ўринлари кўпайиб, одамларнинг турмуш шароити яхшиланмоқда.**



Туманимиз ҳудудидаги Нуробод – Нурбулоқ – Иштихон республика аҳамиятига эга бўлган йўллар қирқ йилдан ортиқ вақт давомида жорий ва мукаммал таъмирланмай, яроқсиз аҳволга келиб қолган эди.

Яқинда тумандошларимизнинг кўп йиллик орзу-истаклари рўёбга чиқиб, умумий лойиҳа қиймати 28 миллиард сўм бўлган, 4P53-Нуробод – Нурбулоқ – Иштихон республика аҳамиятидаги йўлларнинг жами 31 километри «SAMARQAND NEW TECH» МЧЖ пудратчи қурилиш корхонаси томонидан мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Нурбулоқ шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон қасаба уюшмалари тасарруфидидаги Абу Али Ибн Сино номли санаторий ҳудудида янги, замонавий қўринишга эга беш қаватли, 90 ўринли қўшимча ётоқ биноси, икки қаватли даволаш корпуси ҳамда бир қаватли ошхона бинолари қурилмоқда. Умумий майдони 1,5 гектардан иборат бўлган мазкур соғломлаштириш маскани лойиҳа қиймати 45 миллиард сўмни ташкил этади. Қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Иншоот қурилишига 150 нафар ишчи жалб қилинган

бўлиб, улар карантин қоидалари асосида меҳнат қилишмоқда.

Қурилатган янги бинолар жорий йилнинг сентябрь ойигача босқичма-босқич ишга туширилиши кўзда тутилган.

– Янги қурилатган сўхтағоҳда дам олувчилар учун барча қулайликлар яратилади, – дейди санаторий директори Нодирбек Камолов. – Икки кишилик хоналар кенг, ҳар бири 26 квадрат метрни ташкил қилади. Бундан ташқари, янги бинога Wi-Fi тизими ҳамда ҳар бир хонага телефон ўрнатилади.

Бугун Нурбулоқдаги ўзгаришларни, айниқса, бунёдкорликларни кўрган киши беихтиёр уйга толади. Нуробод тумани яқин-яқингача эскича яшаб келаётганди, аҳоли ўша-ўша эди. Очигини айтганда, меҳмон келса, кўрсатадиган бирор бино йўқ эди. Бугун туман қиёфаси янгилашиб, ёшариб, яшнаб бормоқда. Бу ўзгаришлар одамлар кўнглини чарогон қилмоқда, кайфиятини кўтариб, кучига-куч қўшмоқда.

Нодира БОТИРОВА,  
журналист.



**РЕКЛАМА**

**ЕМММ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОҒОҲЛАНТИРАДИ:**

Республика ҳудудига рухсатномасиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоэлектрон қурилмалар, радиостанциялар ва бошқа радиоэлектрон воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

**Бизнинг манзиллар:**

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.  
Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.  
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.  
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.  
Нукус шаҳри, Ерназар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.  
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.  
Навоий шаҳри, Амир Темури кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.  
Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.  
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.  
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.  
Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.  
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

**ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»**

**ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:**

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

Товары сертифицированы.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+89890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtkoran.uz, www.krantas.uz

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

**MUASSIS:** Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**

Ulug'bek INOYATOV Qalandar ABDURAHMONOV Farrux HAMROYEV  
Ulug'bek VAFOYEV Guliston ANNAQILICHEVA (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)  
Mahmud TOIR Muslihidin MUHIDDINOV Toshtemir XUDOYQULOV  
Hayotxon ORTIQBOYEVA

**Qabulxona — (71)233-65-45**  
**Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56**  
**Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-65**  
**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 751. 2012 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni —  
Topshirilgan vaqti — 16:00.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Г — 75101763006

Газетанинг электрон сарфисига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6